

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ КАФЕДРАСИ

5141700 - Мактабгача таълим ва болалар спорти таълим
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун

Азизова Муҳаббатнинг

**Битирув малакавий
ИШИ**

Илмий раҳбар: ўқит. Норбошева М.О.

Термиз – 2013

Мавзу: Проектив методикаларни мактабгача таълим муассасаларида қўллаш.

Режа:

Кириш

1-боб. Мактабгача таълим муассасаларида психологик ташхис хусусиятлари.

- 1.1. МТМда психологик ташхис муаммолари ва имкониятлари.
- 1.2. Мактабгача таълим муассасаларида психологик тадқиқот усуллари
- 1.3. Психологик тадқиқот усуллари.

2-боб. Проектив методикаларни мактабгача таълим муассасаларида қўллаш.

- 2.1. Расмли проектив методикаларни болаларда қўллаш имкониятлари.
- 2.2. 5-6 ёшлиларида проектив методикаларни ўтказиш ва уларни тахлили.
- 2.3. ОКР методикасини ўтказиш усули ва натижалар тахлили.

Хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги :

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришганлиги халқ хўжалиги ҳамда фан ва маданият соҳасининг ривожланишига кенг йўл очиб берди. Айниқса, у маорифни ривожланишига, биринчи навбатда, олий таълимнинг юксалишига кенг имкониятлар кўламини очди. Натижада мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилишга, мутахассислар тайёрлашни жаҳон андозаларига яқинлаштиришга киришилди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг қабул қилиниши таълимнинг ислоҳ қилиниши учун ҳуқуқий асос бўлди.

Олий ўқув юртларида юқори малакали ходимларни етиштириш жараёнида психологиянинг роли ва ўрни бекиёсдир. Чунки психология жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган инсонни шакллантиришда алоҳида ўрин касб этади. Бинобарин, тайёрланаётган мутахассислар психологик билимларни чуқур ва пухта ўзлаштирган тақдирдагина, ёш авлодни ҳар томонлама камолга эришган кишилар қилиб тарбиялай олишлари мумкин. Психодиагностика психология фанининг йўналишларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида инсон психикасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тўлиқ маълумотлар тўплаш имконига эга бўлиш мумкин. Замонавий психодиагностика ҳозирги кунда кишининг индивидуал-психофизиологик ва индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлаш, ўрганиш борасидаги методларни яратувчи фандир.

Шунингдек, психодиагностика психологик амалиётнинг ҳам алоҳида соҳаси саналиб, психологнинг ундаги вазифаси шахсдаги психик, психофизиологик хусусиятларининг индивидуал кўринишларини аниқлашдан иборат бўлади. Шу боис, мазкур соҳа психологиянинг муҳим йўналиши сифатида умумпсихологик тадқиқотлар билан амалиётни боғловчи халқа бўлиб хизмат қилади.

Психологик диагностика замонга хос тарзда янги билимлар билан жадал ривожланиб бораётган, жамият учун керак бўлган илмий фаннинг амалий соҳасидир. Профессional таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг ўз

фаолиятларида психологик диагностиканинг метод ва усулларида самарали фойдаланишлари лозимлиги бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Чунки психодиагностика ёрдамида шахснинг ақлий имкониятлари, шахсий хусусиятлари, ундаги ижтимоий-психологик таъсир омилларини ўрганиш орқали, ҳар қандай фаолият жараёнини тўғри режалаштириш, учрайдиган камчиликларни тuzатиш, психологик-педагогик профилактика ишларини олиб бориш имкониятини яратиш мумкин.

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич тури ҳисобланади, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида ташкил этилади. Инсон шахси ва унинг характери, шу билан бирга қизиқиш ва қобилиятлари болаликнинг илк йиллариданоқ шаклланиб боради. Болаларнинг келажагидан умидвор бўлган жамият бу жараёнга фаол аралашishi ва инсон шахсини камолга етказиш борасидаги вазифаларга психологик нуқтаи назардан ёндашиши лозим.

Республикамиз халқ таълимининг замонавий тизимига психологик ташхис, психолог маслаҳати ва психологик коррекция каби категориялар кириб, мустаҳкам ўрнаша бошлади. Психологик хизматнинг бола шахси равнақи, унинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш учун амалга оширилишига шак-шубҳа йўқ, албатта. Айниқса, боғча гуруҳидаги болаларнинг ақлий (жисмоний) имкониятлари уларнинг таълим-тарбиясига, интеллектуал салоҳият даражасига ҳамда шахслараро муносабатларига, бола характерининг шаклланишига, шунингдек гуруҳдаги руҳий муҳитга бевосита таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқадикки, болалар шахсини ривожлантиришда таълим-тарбиянинг роли ҳамда оила, ижтимоий муҳит ва биологик омилларининг таъсирини ўрганишда проектив тестлар орқали бола психикасини ўрганиш долзарб муаммолардан биридир.

Битирув малакавий ишнинг мақсади :

Мазкур тадқиқотимизнинг мақсади мактабгача таълим муассасаларида проектив методикаларни кенг қўлланилиши йўлга қўйиш мазкур методиканинг аҳамиятли томонларини ўрганишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари :

- Мавзуга оид илмий-педагогик, психологик манбаларни таҳлил қилиш асосида мактабгача таълим муассасасида проектив тестларни қўллашнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш;
- МТМда психологик ташхисни йўлга қўйилишини ўрганиш;
- МТМда проектив тестлардан фойдаланиш ва уни таҳлил қилишни ўрганиш;
- ОКР методикасини ўтказиш ва тахлилини олиб бориш.

Битирув малакавий ишнинг предмети :

Проектив тестлардан мактабгача ёшдаги болаларда қўлланилишини ўрганиш тадқиқот предмети ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг методи: кузатиш, суҳбат, тест, тажриба, ҳужжатларни ўрганиш.

Битирув малакавий ишнинг илмий-амалий аҳамияти:

Мазкур битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти шундаки, проектив методикалардан мактабгача ёшдаги болаларда психодиагностик ишларни ривожлантиришда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти таълим-тарбия ишларини ташкил этишда ҳам услубий, ҳам амалий восита сифатида ёрдам беради.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши : битирув малакавий иш таркиби кириш, 2 боб, 5 банд, хулоса, фойдалаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат.

1-боб.Мактабгача таълим муассасаларида психологик ташхис хусусиятлари.

1.1. МТМда психологик ташхис муаммолари ва имкониятлари.

Республикаимиз халқ таълимининг замонавий тизимига психологик ташхис, психолог маслаҳати ва психологик коррекция каби категориялар кириб, мустаҳкам ўрнаша бошлади. Психодиагностика сўзини асл моҳияти “психологик ташхис қўйиш” ёки кишининг мавжуд психологик ҳолати ва хусусияти ҳақида қарор қабул қилишни англатади.

Психодиагностика – амалий жиҳатдан деярли психологнинг барча фаолият доираларида, яъни психологик-педагогик тадқиқотларда муаллиф ёки иштирокчи сифатида қатнашаётганда, психологик маслаҳат ҳамда психологик коррекцион ишларни амалга ошираётган жараёнда қўлланади. Аммо кўпинча амалий психологнинг ишларида психодиагностика – фаолиятнинг алоҳида мустақил тури сифатида намоён бўлади. Унинг мақсади психологик ташхис қўйиш, яъни кишини мавжуд психологик ҳолатини баҳолаш орқали ифодаланади.

Психологик хизматнинг бола шахси равнақи, унинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш учун амалга оширилишига шак-шубҳа йўқ, албатта. Лекин, шу билан бирга, психологиянинг психологик ташхис каби соҳаси (болага зиён етказиши мумкинми? деган савол туғилади. Ҳа, агар илмий натижаларни амалиётда қўллаш (психологик ташхис эса фундаментал илмнинг амалий қисми) етарлича тажрибага эга бўлмаган мутахассислар томонидан амалга оширилса, зиён етказиши мумкин.

Масалан, психологик ташхис методикалар ёрдамида олинган маълумотларга малакасиз фойдаланувчи томонидан мутлоқ маъно касб этирилиши ўз-ўзидан боланинг келажагини белгилаб берувчи ташхиснинг қўйилишига олиб келади. Шу ўринда Виготскийнинг «психодиагностикада ташхис қўйилиши мумкин эмас, психологик диагностика натижаси фақатгина текширилувчининг у ёки бу психик жарёнини хусусияти бўлиши мумкин» деган таъкидини эсга олиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, психодиагностикага нисбатан умуман эътиборсиз бўлиш каби ҳолатлар ҳам бор. Масалан, амалий психолог бола билан фақатгина оила ҳақида олинган маълумотларгагина таяниб «ишлайди».

Юқорида кўрсатилган ҳар икки ҳолат ҳам психологик ташхис методикаларидан фойдаланувчи шахснинг ушбу соҳада номутасадди ҳамда билими етарлича эмаслигидан далолат беради.

Психологик ташхис психология фани соҳаси бўлиб, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқловчи ҳамда ўлчовчи методларни ишлаб чиқади. Психологик ташхисдан мустақил соҳа сифатида фойдаланиш ўтган асрнинг 20-йилларида бошланган. Психологик ташхиснинг предмети ҳамда йўналтирилганлигига ҳар хил муаллифлар турлича ёндашганлар. Фундаментал характерга эга бўлган ишларда умумий психодиагностика психологик-педагогик қуролларнинг тузилиши ва психологик-педагогик хулосалар шаклланишининг методологик, назарий ҳамда услубий тамойиллари сифатида гавдаланади. Бу асосан назарияга оид вазифа бўлиб, тестологияни фан сифатида билишни ва, албатта, текширилувчининг руҳиятини ўрганишни тақозо қилади. Масалан, боланинг математик масалаларни еча олмаётганлиги ота-она ҳамда ўқитувчини хавотирга солади. Бундай қийинчиликлар нафақат маълум бир мавзунини билмаслик каби педагогик муаммоларга, балки кўпроқ психологик сабабларга эга бўлиши мумкин. Балки, болада ақлий фаолиятнинг ички режалаштирилуви ёки бор маълумотдан керагини ажрата билиш қобилияти етарлича шаклланмагандир. Бу муаммони ҳал қилиш учун, авваламбор, тестлар ёрдамида боланинг билим олишида юз бераётган қийинчиликлар сабабини аниқлаш жоиз. Бунинг учун психолог ёш даврлари ҳамда педагогик психология, тафаккур психологияси, тестологияни пухта билиши ва бу соҳада профессионал бўлиши керак. Амалий психолог бўлмоқ бу назарий билимларга эга бўлмоқ, тест ҳамда маслаҳат ўтказишни билмоқ демакдир.

Замонавий психологик луғатларда ташхис тадқиқотларнинг икки тури устида тўхталиб ўтилади:

- а) тест ўтказиш психик ривожланиш даражасининг миқдорий баҳолаш муолажаси сифатида;
- б) тест ўтказиш биринчи ўринда, психологик ташхис — текширувчи фаразлар, кейин эса субъектнинг психологик моделларига сифат жиҳатидан тавсиф берувчи комплекс психологик тадқиқот сифатида.

Психологик ташхис методлардан тўғри фойдаланишни ўргатишга фақатгина олий ўқув юртлари талабаларига профессионал малака бериш орқали эришиш мумкин. Афсуски, ҳозирда талабалар эътиборига тест тўпламлари, узоқ борса, жавоб калити билан ҳавола этилган. Энг асосий қисм бўлмиш олинган маълумотларнинг талқини ҳамда керак бўладиган тавсияларнинг шакли эса бу тўпламларда берилмаган. Натижада, талабалар ҳамда энди иш бошлаган амалий психологлар мураккаб аҳволда қолишади. Сабаби жиддий илм ҳисобланмиш психологиянинг амалий тармоғи бўлган психодиагностика соҳаси ҳақида муҳим академик маълумотларга эга эмаслар. Бугунги кунда психологик тестларнинг оммабоп бўлиб қолганлиги туфайли бу тўпламларни сотиб олаётган ҳар бир киши улардан бемалол фойдаланиши мумкинлиги бизга сир эмас. Тестларнинг осонлик билан кўлга киритилиши ва кенг оммага билдирилиши ҳақида жуда кўп зид фикрлар мавжуд.

Тест ўтказиш бўйича энг юқори малакали мутахассис А. Анастаси келгусида тестлар қўлланувининг яроқсиз бўлиб қолиш хавфини назарда тутиб, уларнинг кенг миқёсда чоп этилишига қарши чиқади. А.А. Бодалев муҳаррирлиги остида нашр қилинган «Общая психодиагностика» («Умумий психодиагностика») китоби ҳам тестларнинг кўп нусхада чоп этилишига йўл қўймаслик керак, деб ҳисоблайди. Е.И.Рогов эса бунга қарши фикр билдириб: «Ахир ҳозир ҳеч ким хавфли дорилар сотиладиган дорихоналарни йўқотиш керак, демаяпти-ку!», — дейди. Н.Я. Селеверстова хавфли дорилар ҳар ҳолда рецепт билан берилишини ҳамда уларнинг инсон учуи хавфли мақсадларда қўлланилиши қонун томонидан таъқиқланганлигини эслатиб ўтади. Устига — устак охириги нашрларда, ҳаттоки, жавоб калитлари ҳам

тўлиқ берилмаяпти. Психологик ташхиснинг тест материаллари билан ишлаш қисми эса ушбу фанни ўрганаётганлар учун мавҳумлигича қолмоқда.

Кўпчилик педагоглар ва бошқа касб эгалари ўзларини «психолог» деб ҳисоблайди. Шу ўринда психологиянинг кундалик ҳаётда ва илмда турлича тушунилиши унутилиб қўйилмоқда. Мактаб ҳаётида биргина субъект хатти-харакатининг нафақат психологик, педагогик, балки, ҳуқуқий, маданий ва маъмурий жиҳатдан таҳлил қилиниши мумкинлиги ҳам тахмин қилинади.

Файласуф Е.Л. Фрейнбергнинг қуйидаги фикрини эсга олиш мақсадга мувофиқ бўлади: «Жисмоний ва рухий оламни англаш учун икки бир-биридан фарқ қилувчи метод керак бўлади; бир томондан, инсон юзаки карашда тўғри деб топадиган дискурсив, мантиқий метод бўлса, бошқа томондан, ғойибдан билиш (интуиция), яъни бевосита синтетик мулоҳаза. Бу исбот талаб қилмайдиган иккинчи метод ўз негизда гносеологик нуқтаи назардан фан ва санъатнинг руҳ ва этика масалаларида бир хиллигича қолади.»

Л.С. Виготский психологиядаги ҳолатни бежиз инқирозли деб атамаган, инқироз моҳияти ва келиб чиқишини у методология муаммолари билан боғлаган. Ҳеч ким дискурсив, табиий илмий ёндашувнинг билим олишдаги ўрнини инкор этмайди. Лекин шу билан бирга В.П. Зинченконинг «Расмийлашган, математиклаштирилган билим намоёндаларининг ҳар қандай ҳақиқатга етишиш қобилиятларига бўлган ишончи ноўрин», деган фикрига ҳам қўшилиш лозим.

Психологик ташхиснинг фан сифатида математика ва мантиққа, яъни дискурсив ёндашувга таянгани унинг шу даражада кенг ва эркин қўлланилишига асос бўла оладими? Фақатгина дискурсив аналитик ёндашув йўлида ривожланаётган психология, психологик ташхиснинг муҳим амалий қисмидан ажралиб, кўпроқ Салоҳиятга эга сифатида ўз олдида тадқиқот вазифасини мақсад қилиб олди. Бунга мисол қилиб индивидуал хусусиятларни рўёбга чиқариш ва ушбу маълумотни шахснинг ривожланиши йўлида қўлланилишини олиш мумкин.

Стандартлаштирилган тестларни катта оммани ўрганишда қўллаш, бу маълумотларни ўқув муассасаларидаги олимлар, бошқарувчи ташкилотчилар, халқ таълими тизимидаги ўқитувчи ва психологлар эътиборига ҳавола қилиш фойдали.

Кўп нарса психолог шахсига боғлиқ. «Сифатли кузатувлар аҳамияти психологнинг уқуви, тажрибаси ва психологик ички сезгиси, унинг кузатув методининг қанчалик чегараланганлиги, субъективлиги ва тушунишига боғлиқ». Э.Стоунс, Э.Эриксон, Э. Бернлар ҳам шунга ўхшаш фикрларни айтиб ўтган. «Психологик сезги» тўшунчаси худди «педагогик туйғу» сингари интуитив-эмоционал билиш соҳасига киради ва социометрияга бўйсунмайди. Психологик сезги ёки касбий масъулиятни ривожлантириш фақатгина ва фақат касбий уқув ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, амалиётчи психологда фақат билим, уқув ва тажриба бўлибгина қолмай, ҳиссиёт ва касбий сезги ҳам бўлиши шарт. Шунинг учун олий таълим муассасасида муҳандисга қараганда психологни тайёрлаш қийинроқ.

Н. Я. Селеверстова бугунги кунда психологик ташхиснинг билим ва амалиёт каби бўлимлари етарлича ишлаб чиқилмаган, деб ҳисоблайди. Бу — мезонга мўлжалланган тестлар соҳаси бўлиб, худди мана шу ерда психология ва педагогика бир-бири билан ортиқча зиёнсиз тўқнашади.

Назария ва амалиёт ўртасида ҳар доим ҳам маълум бир масофа бўлган. Лекин психологик-педагогик фанда дискурсив-аналитик методнинг устунлиги натижасида, ушбу масофа бутунлай узилиш даражасига етди. Амалиёт ва назария ўртасидаги қарама-қаршиликни оладиган бўлсак, улардаги узилиш А.В.Курапатов ва А.Н.Алехинларнинг фикрича, шу даражада сезиларли ҳолга келдики, инсон ҳақидаги фанда ҳеч нарса инсоннинг ўзини эслатмай қолди. Инсон турли ташхис шакллари орасида сарсон бўлишига қарамай, унинг ҳаётий зарур муаммолари ўз ечимини топмай қолиб кетмоқда. Юқоридаги фикрлар Россия халқ таълими тизимида тегишли эди. Биздаги муаммо эса, бир сўз билан айтганда, бола психология-

сини билишга асосланмаган субъектив ёндашувнинг устунлигида. Кўпинча психолог лавозимида психологик маълумотга эга бўлмаган шахслар фаолият кўрсатади. Ушбу муаммони ҳал этиш йўлларида бири сифатида мутахассис-амалиётчи психологларга тест ўтказишни ўргатиш билан бирга тест натижаларини «ўқиш», англаш ҳамда уни таҳлил асосида текширилувчиларнинг коррекцион дастурини режалаштиришни ўргатишни тавсия қиламиз.

Тажрибали амалиётчи психолог психологик сезги ва касбий ўқувнинг фақатгина тажриба орқали орттирилишини тасдиқлайди. Бизнинг фикримизча, психологик ташхис қуроллар билан ишлаш ўқувининг шаклланиш жараёни ўрганиш предмети бўлиши лозим. Бу психологик ташхисни, тест ўтказишни ўрганиш предмети тест ўтказиш жараёнини, тест натижаларини таҳлил қилиш усулларини, олинган натижалар асосида психологик тавсиф жадвалларини шакллантиришни ҳамда коррекцион ишларнинг режалаштирилишини қамраб олиши мақсадга мувофиқ бўлади. Айнан шундай ёндашув психологик хизмат обрўсини кўтаради ва халқ таълими тизимидаги муаммолар ечимини топишга имконият яратади.

Болалар психологик ташхис тадқиқотининг хусусиятлари:

Мактабгача ёшдаги болаларни психологик ташхис қилишда тадқиқот ўтказувчи мутахассис бола билан ишлаш жараёнида ўзаро муносабат ўрнатиш, диққатни белгиланган вазифага қаратиш, бу ёшдагиларнинг толиқиши ва вазията мослаша олмаслиги, шу билан бирга, болалар билан тест ўтказиш вақтида ҳулқ-атвор реакциясини кенглиги каби қийинчиликларга дуч келади.

Мактабгача ёшдаги болаларни ва бошланғич синф ўқувчиларини психологик ривожланишини аниқлашда шундай шароитлар яратиш керакки, унда бола ўзининг имкониятларини энг юқори даражада намоён қилсин. Махсус методик усуллар ёрдамида боланинг нафақат психик ривожланишиниш муҳим даражаси, балки унинг яқин келажак тараққиёт зонасини тадқиқ қилиш мумкин. Шунинг ёрдамида тутиш керакки, болалар уйда, яқинлари билан

мулоқотда, ўйин пайтида намоён қиладиган имкониятларни камдан-кам ҳолларда ташхис тадқиқотларда, вақт тифиз ҳолларда (боладан тез жавоб беришини талаб қилишини сезганда) ёки бегона муҳитда намойиш этадилар.

Боланинг ақлий ривожланиш даражасини баҳолаш учун унинг ўйин фаолиятини кузатиш жуда фойдали. 4-10 ёшли бола текширишга ўзининг энгсевимли ўйинчоғи билан келиши мумкин, бунга тўсқинлик қилиш керак эмас. Аксинча, психологик текширишга келган боланинг сеvimли ўйинчоғини мактаб, унинг илтифотига осонроқ эришиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида болалар хулқ-атвор реакциясининг жуда катта чегарасини кўрсатадилар. Тадқиқотни ўтказиш жараёнига психофизиологик ва ижтимоий омиллар билан бир қаторда психологнинг касбий кўникмалари ҳам таъсир этади. Мактабгача муассасаларга қатнайдиган болалар «катта ёшдаги бегона кишига» буйсунишга ўрганиб қолганлар ва тест ўтказиш жараёнида яхши натижага эришадилар. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, «уй болалари» психолог-ташхисчидан эмоционал қулай ҳолатни яратиб беришни талаб қилади.

Тавсия этилган ўқув қўлланмада ўта фаол, тез толиқадиган, невротик таъсирланадиган болалар билан ишлашга мўлжалланган махсус талаблар аниқланиб, куриб чиқилган.

Болалар билан ишлаш жараёнида турмуш шароитлари омилларидан қорин очиш, чанқаш, ҳожатга бориш, бурун қоқиш ва бошқаларни эътиборга олиш зарур. Айрим болалар буларни айтишдан уялади. Бундай ҳолатлар болада нафақат жараёнга, ҳатто психологга нисбатан ҳам қабул қилмаслик ҳиссини юзага келтириши мумкин.

Бу ҳолатдан чиқиш учун тадқиқотни ўйин хонасида ўтказиш, болаларни ўйинчоқлар билан қизиқтириш керак. Аслида болани янги хонага, янги одамларга мослаштириш зарур бўлганда, тадқиқот жараёнини ўтказишда ўйин хонасидан фойдаланиш мумкин. Психологик тадқиқотни қизиқарли ўйинчоқлар, расмлар ва безаклар унчалик кўп бўлмаган жойда ўтказиш керак. Хона ёруғ, қулай ва шинам бўлиши, лекин унда ёрқин рангдаги, ўзига

жалб этувчи предметлар кўп бўлмаслиги керак. Бола психологнинг бундай хонасига кирганда, унинг кўзлари ҳар тарафга қарай бошлайди ва тест вазифасини бажаришда диққатини бир жойга жамлаши қийин бўлади. Тест вазифаларини бажаришда болага осон бўлиши учун ўқув қўлланмадаги методикалар ва тестлар рангли, қизиқарли маълумотлар билан тўлдирилган.

4 ёшдан 10 ёшгача бўлган бола жуда тез ривожланади ва қисқа муддат ичида мактабгача ёш давридан ўқувчилик давригача мунтазам вазифалар юклатилган йўлни босиб ўтади. Биз 4-5 ёшли, 5-6 ёшли ва 7-10 ёшли болаларни ташхис қилишда, турлича ёндашишни тавсия этамиз. 4-5 ёшли болаларда ҳулқ-атворнинг ижтимоий мотивлари мактабга тайёргарликни бошлаган 6 ёшли болаларга қараганда унчалик ривожланмаган бўлади. Бошланғич синф ўқувчисининг фақатгина ўқув фаолиятида эмас, балки ҳулқ-атворида ҳам ўз-ўзини назорат қилиш тизими маълум даражасида шаклланган бўлади. Айрим 4, ҳатто 5 ёшли болалар биринчи марта ташхис текширувдан ўтаётган бўлсалар, ота-оналаридан ажралишдан кўрқадилар.

Масалан, агарда бола хонага онасисиз киргиси келмаётган бўлса, у ҳолда онасининг ташхисда иштирок этишига рухсат бериш керак. Она ўзининг иштироки билан болани тинчлантиради, унинг қўлидан ушлаб туриши мумкин, лекин дастлаб онани текширув жараёнига аралашмаслик ҳақида огоҳлантириш керак.

Ота-оналар 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлигини аниқлаш мақсадида тадқиқот учун олиб келганликлари бундан мустасно. Агар бола психолог хонасига ота-онасиз киришга қаршилик кўрсатса, шунинг ўзидан унинг мактаб таълимига тайёргарлиги йўқлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин, ҳатто ота-оналар ўз фарзандларини ақлий даражаси юқори эканлигини таъкидласалар ҳам.

Ҳар бир психологик методика ва тавсия этилаётган тестлар батафсил кўрсатмалар билан таъминланган бўлишига қарамай, биз болаларни психологик текширувдан ўтказишнинг низомларини таклиф этамиз.

Шундай қилиб, психологик ташхис жараёни бир қанча қоидаларга риоя қилишни талаб этади, хусусан:

- 1.10-12 ёшгача бўлган болаларда тушлик вақтидан кейин ташхис ишларни олиб бориш тавсия этилмайди. Энг қулай вақт соат 10 дан 12гача.
 - 2.Ишни бошлашдан олдин болага ҳамма физиологик эҳтиёжларни кондиришга рухсат бериш (чанқоғини босиш, хожатга бориш ва бошқалар).
 - 3.Болани касалликдан кейин ташхис қилиш тавсия этилмайди. Касаллик тугагач, икки ҳафтадан кейинги вақт энг қулай вақт ҳисобланади.
 - 4.Ташхис вақти 30-40 дақиқадан ошмаслиги зарур.
 - 5.Ташхис ўтказиладиган хона бола учун таниш бўлиши муҳим, шунингдек, у яхшилаб шамоллатилган бўлиши керак.
 - 6.Ташхисни ўтказиш учун бола имкон қадар психологни таниши керак.
 - 7.Ташхисни бошлашдан олдин боланинг хавотирланиш даражасини тушириш учун унга психолог ким эканлигини ва улар нима билан шуғулланишлари ҳақида тушунарли қилиб изоҳ бериш лозим.
 - 8.Ташхис вақтида боладан диагонал (қия) томонда ўтириш зарур.
 - 9.Ташхис ва коррекция ўзини тийиб туришни талаб қилади. Бу боланинг айрим ҳаракатларига аҳамият бермаслик кераклигини англатади, чунки болалар физиологик нуқтаи назардан тинч ўтиришлари қийин.
 - 10.Қўл остида ҳамма керакли бўлган нарсалар, маълумотлардан тортиб, то салфетка ва сувгача бўлиши зарур.
 - 11.Ташхиснинг асосий мақсади боланинг ривожланишига нима тўсқинлик қилаётганлигини, уни қийнаётган омилларни аниқлаб беришдан иборат.
- Бола ёшини баҳолаш.* Биз боланинг аниқ туғилган йили ва ойини аниқ қайд қилиб қўйишни тавсия этамиз. Сабаби бола ёш даврида унинг ривожланишидаги муҳим ўзгаришлар ярим йил ичида, гоҳида 2 ёки 3 ойда ҳам содир бўлиши мумкин. Боланинг ёши қанчалик кичик бўлса, шунчалик унинг ёшига аниқ баҳо бериш аҳамиятга эга. Агарда биринчи ташхис тажриба

яхши натижа бермаган бўлса, 2-3 ойдан сўнг иккинчи учрашувни ўтказиш тавсия этилади.

Ривожланиш динамикасининг солиштирувчи таҳлили жуда кўп маълумотга эга бўлиб, у етакчи ва вазият омиллари ривожланишини ўзаро фарқлашга ёрдам беради. Соғлом бола берилган ҳар бир машғулотни бажаришнинг урдасидан чиқади деган иллюзияларни рад этиш шахс сифатида тўлиқ ривожланган, зеҳни шаклланган ҳар бир бола ташхис ўтказилаётган вақтда яхши ҳолатда бўлмаслиги мумкин. Ҳар хил сабабларга кўра у берилган вазифани жуда ёмон бажариши ёки қўллангани секин ўзлаштириши мумкин. Унга берилган айрим вазифаларни бажаришда қийинчиликлар сезиши ёки қандайдир машғулотни бажаришдан бош тортиши мумкин. Болаларнинг бир-биридан жуда катта индивидуал фарқлари борлигини ёддан чиқармаслик керак. Шунга кўра, қобилиятли ва истеъдодли болаларга улар эришган натижаларга қараб йўл-йўриқ кўрсатиш мумкин эмас. Текшириш яхши натижа бермаса, бола нима сабабдан яхши натижага эриша олмаганини аниқлаш ва бир қанча ўтгандан кейин қайта текширув ўтказиш тавсия этилади (уч ҳафтадан сўнг)

Мотивациялар ва иш муносабатларини ўрнатишга дифференциацияли ёндашиш.

Психолог ташхис тадқиқот мақсадларини инобатга олиши зарур. Масалан, агарда бола боғчага қабул қилинаётган бўлса, унга таъсир этувчи ота-оналарда учрайдиган невроз ҳолатларини эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Афсуски, боғча ёшидаги болаларни баҳоловчи жараёнга нотўғри тайёрлайдиган ота-оналар ҳам учраб туради. Гоҳида шундай вазиятлар бўладики, ота-оналар ўз фарзандларини тинчлантириш мақсадида уларга: «Кўркма, у ерда ҳеч қандай кўркинчли нарса бўлмайди» каби жумлаларни такрорлайверадилар. Айрим ҳолларда ота-оналар ўз фарзандларини текширувдан олдин кўрқитиб, агар ёмон натижа чиқса, жазолашларини айтадилар ёки бутун оиланинг бахти ва тинчлиги тадқиқот натижаларига боғлиқ эканлиги ҳақида уқтирадилар. Ҳар қандай ҳолатларда

хам психолог ташхисни бажаришгача бўлган вақтда ва уни ўтказиш жараёнида ота-оналар томонидан болага бўладиган салбий таъсирларни эътиборга олиши зарур. Ҳар қандай вазиятда ҳам психолог-ташхисчи овозининг меҳрли оҳанги, илиқ қарашлари, қизиқиши ва бола шахсини, шубҳасиз, қабул қилиши, тўлиқ қўллаб-қувватлаши орқали баҳоловчи вазиятни юмшатиши тавсия этилади.

Психолог бола учун энг оғриқли мавзуга тасодифан тегиб кетмаслик учун микро ижтимоий ҳаёт шароитларининг хусусиятлари ҳисобланган оила аъзолари таркиби ўзаро муносабатлар характери ва оила аъзоларинингсаломатлик ҳолати ҳақида маълумотга эга бўлиши лозим.

Мотивация ва установкалар. 4-6 ёшли болага баҳоловчи жараён тартиби ҳақида маълумот бериш шарт эмас, боланинг мактабга боришга бўлган тайёргарлигини аниқлаш бундан мустасно.

Психолог бола билан танишиш истагини билдириши, унга қизиқарли расмлар ва ўйинлар кўрсатиши мумкин. Болани ташқи кўринишини мақташ, керак бўлса, тадқиқот жараёнида онасининг иштирок этишига ёки энг сеvimли ўйинчоғи билан қолишига қаршилик кўрсатмаслик, бола психологга ёққанлигини кўрсатиш жуда катта аҳамиятга эга. Боланинг онасига тест жараёнига аралашмаслиги ҳақида тушунтириш, ташхиснинг мақсади болага баҳо қўйиш эмас, балки унинг имконият даражаси қанчалик эканлигини аниқлашдан иборатлигини тушунтириш лозим.

Болага биринчи тавсия этиладиган вазифа у бажара оладиган, қизиқарли ва осон бўлиши керак. Биринчи методикани осон тушуниш кераклигини эсда тутган ҳолда унга «Кесма расмлар», «Тўртинчиси ортиқча» методикаларини тавсия қилиш мумкин. Бу методикаларни тўлиқ бериш шарт эмас. Битта ёки бир нечта вазифаларни танлаб олиб, уларни бажариш даражасини аниқлаб олиш мумкин. Агар биринчи вазифа бола учун жуда осон бўлса, бундан хавотирланиш керак эмас. Психолог нафақат уни тўғри ва аниқ бажарганини, балки бажарилган вазифани сифат даражасини ва боланинг осон вазифага таъсирини баҳолайди. Осон вазифани бажариб бўлган боғча боласи ҳар доим

Ўзини эркин сеза бошлайди. Айрим болалар шундай изоҳ берадилар: «Шундай осон! Мен буни бир зумда бажара оламан». Агар уларнинг изоҳлари бажарилган вазифани юқори сифати билан тўғри келса, болага мураккаброқ вазифани таклиф қилиш керак. Бундай усул тез алоқа ўрнатишга, керакли ташхис маълумотларни, масалан, бола вазиятни баҳолаш даражасини тушуниши, муносабатларнинг сабаби натижаларини тушуниши, тузилган ҳикоянинг сифатини ва ҳоказоларни аниқлашга ёрдам беради. Болада ортиқча жиддийликни чақирмасдан, психолог ўзини қизиқтирган саволларни бериши мумкин. Тадқиқотнинг боши: суҳбат ёки тест? Одатий психологик тадқиқот бола билан суҳбатдан бошланади. Боғча боласи билан суҳбат қисқа бўлиши керак, чунки тадқиқот бошланмасдан олдин бола толиқиб ёки зерикиб қолмаслиги лозим. Шунинг учун суҳбатни тадқиқот жараёнида услубий маълумотларни тушунтириш билан олиб бориш керак. Суҳбатнинг асосий мақсади боланинг маълумотлардан хабардорлиги ва шахсий хусусият даражасининг умумий таассуротлари ҳақида маълумот олишдан иборат бўлиш керак.

Психологнинг ташқи қиёфаси.

Бола билан тадқиқот ўтказувчи психолог, ёши ва кўринишини ҳисобга олган ҳолда, ўзининг ташқи қиёфасига эътибор бериши зарур. Психологнинг ташқи қиёфасига бўлган асосий талаблар: саранжом-саришталик, ортиқча тақинчоқларнинг йўқлиги, кийимнинг ёрқин ранглари, камтарлик, спорт ва романтик услубдаги кийимлар, шунингдек, тиббиётда кийиладиган оқ халат тавсия этилмайди. Соч турмаги, кийим ва бўяниш кабилар боланинг диққатини ўзига жалб этмаслиги керак. Мумтоз кўриниш энг афзал ҳисобланади. Бола шахсига нисбатан илтифотли бўлиш, унинг қобилиятлари ва хоҳишларини эътиборга олиш боланинг ишончини қозонишнинг асосий омили ҳисобланади.

Тадқиқот ўтказишда боланинг эътиборини ўзига жалб этиш учун тадқиқотчи кийимига (одатда тўғнағич тақадиган жойга) кичик ҳажмдаги қизиқарли ўйинчоқни тақиб қўйиши ёки ўйинчоқни чўнтагига солиб, масалан, унинг

тумшуғини чиқариб қўйиши мумкин. Шундай йўл билан боланинг эътиборини ўзига тортиш мумкин.

1.2. Мактабгача таълим муассасаларида психологик тадқиқот усуллари

Психологик тадқиқотнинг марказий масаласига таянган ҳолда бола билан алоқани ўрнатгач, психолог тадқиқотнинг асосий қисмига ўтади. Боланинг психик ривожланишини фақат битта жиҳатга қараб баҳолаш мумкин эмас, тадқиқотнинг айрим маълум бир урғуларини жойлаштириш ҳақида гапириш мумкин. Агар марказий масала ақлий ривожланишни баҳолаш бўлса, унда асосий эътибор мос методикалар йиғиндисига қаратилиши керак. 2-3 та методика ва тестлар уйғунлиги, бир томондан, қўйилган ташхис саволларга жавоб берса, иккинчи томондан аниқ киритилиши лозим бўлган маълумотларни кўрсатади.

Мактабгача ёшдаги боланинг шахсий хусусиятларини тадқиқ қилиш учун кузатиш методикасидан фойдаланиш зарур. Психолог ҳар доим боланинг мулоқотга киришишининг характер хусусиятлари, унинг берилган машқларга қизиқиши, муваффақият ва муваффақиятсизликларга муносабатини белгилаб олади. Психолог мактабгача ёшдаги боланинг берилган топшириқлар юзасидан шарҳларини, унинг психолог билан мулоқотини давом эттириш ёки тўхтатиш хоҳишини таҳлил қилади.

Боланинг диққатини ва иш қобилиятини баҳолаш

Боланинг диққати ва иш қобилиятининг хусусиятларини аниқлаш унинг психологик метод ва тестларни бажариш характерини кузатиш орқали амалга оширилади. Агар бола йўриқномани диққат билан тингламаса, бошқа нарсаларга ва бошқа гапларга кулоқ солиб ўтирса, толиқишнинг аниқ аломатлари кўринади (столга бошини қўяди, столни кучоқлайди ёки қўлларини столга тираб ўтиради ва бошқалар). Кейинчалик бу ҳолатнинг сабабларини аниқлаш учун тадқиқот баённомасида буларни қайд қилиш зарур. Тадқиқот ўтказишдан аввал бола яқин орада ҳеч қандай соматик ёки

инфекцион касалликлар билан касалланмаганми, бугунги текширувга яхши дам олиб келганми, психологга келишидан олдин кайфияти бузилмаганми ёки жазоланмаганми каби бир қатор жиҳатларга эътибор қаратиш зарур. Мактабгача ёшдаги болаларнинг диққати ва иш қобилияти бузилганлигини интеллектуал машқларни бажариш жараёнида аниқ кўриш мумкин.

Индивидуал хусусиятлар ва орқада қолиш

Мактабгача ёшдаги болаларнинг психик ривожланишида индивидуал хусусиятлар кенг тарқалган бўлади. Психологик тадқиқотнинг мақсади бола психик ривожланишининг индивидуал хусусиятларини баҳолаш ёки унинг психик ривожланишида мавжуд орқада қолишларни аниқлашдан иборат.

Психологик тадқиқот ва психологик хусусиятлар таҳлили ривожлантирувчи ёки коррекцион психологик ишнинг бошланиши бўлиб хизмат қилиши керак. У боланинг ўзи билан, лозим бўлганда, унинг оила аъзолари, тарбиячилари, васийлари ва бошқалар билан ўтказилади.

Ёш ривожланиш меъёрларида орқада қолиш ёки болада ўз салоҳиятини амалга оширишга ҳалақит берувчи (масалан, невротик таъсирлар) хусусиятлар аниқланганда, психологик коррекция дастурлари тузилади.

Психологик хулоса, ташхис ва аниқ қарор қабул қилиш.

Психологик тадқиқот тугатилгач, боланинг психик ривожланиш хусусиятлари ҳақида яқуний маълумот, унинг келгусидаги таълими ва тарбияси юзасидан тавсиялар, унинг психологик-педагогик ва тиббий йўналиш бўйича ҳайъат ёки мутахассисларга маслаҳатга олиб бориш бўйича тавсиялар, шунингдек, коррекция ишларини олиб бориш бўйича хулоса чиқариш зарур. Текширувдан ўтган боланинг зеҳни, хотираси, иш қобилияти ва шахсий тавсифини баҳолашда психолог боланинг текширув вақтидаги психик ривожланишининг асосий хусусиятларини ажрата билиши керак.

Тест натижаларига таянган ҳолда боланинг ҳиссий ва шахсий ўзгаришлари батафсил тавсифланиши зарур. Агар психолог уларни психологик методлар (оиласи билан ишлаш, психологик коррекция) ёрдамида тузатиш мумкин, деб ҳисобласа, у ҳолда керакли тавсияларни беради. Агар

болада вазифани бажаришда қийинчиликлар туғилса, психолог ўзининг хулосасида керакли мутахассислардан маслаҳат олиш зарурлиги ҳақида тавсия беради. Агар психолог болада паст интеллектуал ривожланиш кузатилди, деган хулоса чиқарса ёки болада жиддий сенсор, нутқ, хулқ-атвордаги камчиликларни аниқласа, бунда ота-оналарга ёки васийларга махсус мактабгача тарбия муассасаларига маслаҳат учун мурожаат қилиш тавсия этилади. Бунда қўшимча текширувдан сўнг мактабгача ёшдаги болага адекват психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатилади.

Психотаиҳис ишлари. Мазкур ишлар болаларни таълим-тарбия даврида психологик-педагогик жиҳатдан чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг индивидуал хусусиятларини, таълим-тарбиядаги нуқсонлар сабабини аниқлашга мўлжалланган. Бу аснода амалий психолог қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ёш давр тараққиёти мезонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида психолог болаларни психологик текширувдан ўтказди, уларнинг шахс ҳислатлари, иродавий сифатлари, ҳис-туйғулари, интеллектуал даражаларини текширади.
2. Мактабгача таълим ёшидаги болаларни кўникма, билим ва малакаларни эгаллашларидаги нуқсонлар, хулқ-атворларидаги камчиликлар, интеллектуал тараққиёт ва шахс фазилатларидаги нуқсонлар сабабини аниқлайди.
3. Болаларнинг катталар тенгқурлари ва кичикларга бўлган муносабатлари аниқлайди.
4. Анъанавий таълим ва тарбия методлари ютуқ ва камчиликларини тадқиқот қилади, инновацион фаол услублар самарадорлигини синаб кўради, болаларнинг ўзаро муносабатларини аниқлайди ва шунга асосан ўқитишни индивидуаллаштиради.

Боланинг психик ривожланишини аниқловчи психологик тадқиқот усуллари.

Тадқиқот методларининг биринчи гуруҳи ташкилий деб номланиб, у ўз ичига қиёслаш, лонгитюд (узлуксиз), комплекс (кўпёқлама) деб аталадиган турларни қамраб олади. Қиёслаш методи умумий психология (турли гуруҳларни ўзаро солиштириш), социал психология (катта ёки кичик гуруҳлар ҳамда уларнинг ҳар хил тоифаларини ўзаро таққослаш), медицина психологияси (соғлом ва бемор кишиларнинг психик хусусиятларини қиёслаш), спорт психологияси (спортсменлар ҳолати, уларнинг уқувчанлиги ва ишчанлигини ўзаро чоғиштириш) каби фанларда унумли фойдаланилади.

Умумий психология фанида қиёслаш методи турли ёшдаги одамларнинг билиш жараёнлари, шахс хусусиятлари, билимларини ўзлаштириш хоссалари, ақлий қобилияти, салоҳияти, тараққиёт динамикаси, шахс жинсий тафовутлари ва ўзига хослиги, индивидуал-типологик ҳолатларини ўрганишда татбиқ этилади. Рус психологлари Л.С.Виготский, П.П.Блонский, А.А.Смирнов, Б.Г.Ананьев, Д.Б.Эльконин, П.Я.Гальперин сингари олимлар ва уларнинг шогирдлари тадқиқотларида қиёслаш методидан фойдаланилган.

Кейинги йилларда халқ таълими ва олий таълим тизимида ҳамда ишлаб чиқаришда XX асрнинг 70- йилларидан эътиборан то ҳозирги давргача «инсон омили» муаммосининг муҳокамага қўйилиши, вақт тақчиллиги, ишчанлик имконияти, қобилияти, психологик мослик масалаларининг алоҳида аҳамият касб этиши мазкур методни кенг қўламда қўллашни тақозо этмоқда. Бундан ташқари, тажрибада олинган миқдорий маълумотлар ишончлилиқ даражасини ошириш учун ҳам қиёслаш методи ишлатилади. Айниқса, синалувчилардаги ўзгаришларни кўндаланг кесим ҳолатда олиб қараш, тадқиқот босқичини кесиб, яъни вақтинча тўхтатиб, алоҳида таҳлил қилиш ушбу методга борган сари диққат-эътибор тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Масалан, тажрибанинг биринчи босқичининг турли ёшдаги ва жинсдаги одамларга таъсирини аниқлаш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Умумий психологияда қиёслаш методи билан бир қаторда лонгитюд (узлуксиз) методи ҳам кенг кўламда қўлланилади. Ушбу методнинг бошқа методлардан фарқли томони шундан иборатки, унинг ёрдамида бир ёки бир неча синалувчилар узок муддат, ҳатто ўн йиллар давомида (А.Терменнинг 50 йиллик узлуксиз тажрибаси ҳозирча рекорд ҳисобланади) текширилади. Лонгитюд методидан АҚШлик А.Термен, немис психологи В.Штерн, француз Р.Заззо ва Ш.Бюлер, рус психологлари Н.А.Менчинская, А.Н.Гвоздев, Н.С.Лейтес, В.С.Мухина ва бошқалар кўп даврлардан бери унумли фойдаланиб келадилар.

Мазкур метод орқали ҳар хил жинсли эгизаклар (Ҳасан-Ҳусан, Фотима-Зухра) ёки аралаш жинсли (Ҳасан-Зухра, Фотима-Ҳусан) кўшалоклар кузатилган. Шунинг учун бир талай тадқиқотларнинг «она кундалиги» (Н.А.Менчинская, В.С.Мухина) деб номланиши бежиз эмас. Узок муддат давомида муайян бир шахсни (кичик гуруҳни) кузатиш синалувчида яннгитдан пайдо бўлаётган фазилатларининг тараққиёт динамикаси, унинг хулқ-атворидаги иллатлар (меъёрдаги хатти-ҳаракатдан четга оғиш) ва уларнинг олдини олиш муаммолари юзасидан материал йиғиш, шунингдек, мураккаб психологик муносабатлар, ички боғланишлар, қонуниятлар, механизмлар тўғрисида мукамал, ишончли, барқарор маълумотлар тўплаш имконини яратади.

Лонгитюд методи ёрдамида субъектив омилларнинг ўзига хослигидан ташқари, синалувчига объектив (табиий) шарт-шароитларнинг, ижтимоий-психологик муҳитнинг таъсири ҳам ўрганилади. Чунончи, эгизакларнинг ўзаро ўхшашлиги ва уларнинг тафовутланиши, таъсирланиши, ҳис-туйғуларининг ўзгариши, шахслар ўртасидаги индивидуал фарқлар (ишчанлиги, темпераменти, олий нерв фаолияти системаси ва ҳоказолар) юзасидан олинган маълумотлар лонгитюд методининг шарофати билан рўёбга чиқади.

1-БОБГА ДОИР ХУЛОСАЛАР: Мактабгача таълим муассасаларида психологик ташхис хусусиятлари, жумладан, Республикамиз халқ

таълимнинг замонавий тизимига психологик ташхис, психолог маслаҳати ва психологик коррекция каби категориялар кириб, мустаҳкам ўрнаша бошлаганлиги, МТМда психологик ташхис муаммолари ва имкониятлари, болалар психологик ташхис тадқиқотининг хусусиятларини ўрганиш алоҳида диққат эътибордаги масалалардан биридир.

Мактабгача ёшдаги болаларни психологик ташхис қилишда тадқиқот ўтказувчи мутахассис бола билан ишлаш жараёнида ўзаро муносабат ўрнатиш, диққатни белгиланган вазифага қаратиш, бу ёшдагиларнинг толиқиши ва вазияпа мослаша олмаслиги, шу билан бирга, болалар билан тест ўтказиш вақтида ҳулқ-атвор реакциясини кенглиги каби қийинчиликларга дуч келади. Психолог ташхис тадқиқот мақсадларини инобатга олиши зарур. Масалан, агарда бола боғчага қабул қилинаётган бўлса, унга таъсир этувчи ота-оналарда учрайдиган невроз ҳолатларини эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Афсуски, боғча ёшидаги болаларни баҳоловчи жараёнга нотўғри тайёрлайдиган ота-оналар ҳам учраб туради. Шунинг учун тутиш керакки, болалар уйда, яқинлари билан мулоқотда, ўйин пайтида намоён қиладиган имкониятларни камдан-кам ҳолларда ташхис тадқиқотларда, вақт тиғиз ҳолларда (боладан тез жавоб беришини талаб қилишини сезганда) ёки бегона муҳитда намоёиш этадилар.

Психологик тадқиқотнинг марказий масаласига таянган ҳолда бола билан алоқани ўрнатгач, психолог тадқиқотнинг асосий қисмига ўтади. Боланинг психик ривожланишини фақат битта жиҳатга қараб баҳолаш мумкин эмас, тадқиқотнинг айрим маълум бир урғуларини жойлаштириш ҳақида гапириш мумкин. Мактабгача ёшдаги боланинг шахсий хусусиятларини тадқиқ қилиш учун кузатиш методикасидан фойдаланиш зарур. Психолог ҳар доим боланинг мулоқотга киришишининг характер хусусиятлари, унинг берилган машқларга қизиқиши, муваффақият ва муваффақиятсизликларга муносабатини белгилаб олади.

2-боб.Проеktiv методикаларни мактабгача таълим муассасаларида қўллаш.

2.1. Расмли проектив методикаларни болаларда қўллаш имкониятлари.

Проеktiv методлар тест усулларининг бир кўриниши ҳисобланиб, уларда текширилувчига аниқ тизимга ёки кўринишга эга бўлмаган ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шарҳлаш топшириғи берилади. Бинобарин, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган расмлар, тугалланмаган ҳикоялар, бирор аниқ кўриниши мавжуд эмас буюмлар, ёғочлар берилиши, ёки уларга қараб текширилувчи ўзининг ҳиссий кечинмалари, қизиқишлари, дунёқараши нуқтаи назаридан баҳолаши кутилади.

Проеktiv усуллар қаторига машҳур “Роршахнинг сиёҳ доғлари” тестини киритиш мумкин (1921й.). Бу – икки томонлама симметрик шаклда берилган 10 хил доғлардан иборат бўлиб, ҳар бир “доғ” ниманинг шаклини эслатиши сўралади. Унинг оғзидан чиққан сўзлар, ассосиацияларга қараб (контент-таҳлил қилиниб), шахс хусусиятлари юзасидан хулоса чиқарилади. Яна бир проектив усул – бу С.Розенсвейгнинг расмли ассоциацияларидир. Бунда турмушда тез-тез учраб турадиган зиддиятли вазиятларни акс эттирган расмлар текширилувчига тавсия қилинади. Бу расмларда бир томонда турган персонажлар нималарнидир гапираётган ҳолда гавдалантирилади, унга қарама-қарши томондаги шахс ҳали жавоб қайтариб улгурмаган, текширилувчидан текширувчи тез, қисқа муддат ичида бўш катакларга қайтарилиши кутилаётган жавобни ёзишни сўрайди. Берилган жавобларга қараб шахснинг йўналиши, унинг зиддиятларга муносабати, жаҳолат ҳиссининг хусусиятлари, бу ҳиснинг кимларга қаратилганлиги ва шунга ўхшаш фактлар тўпланади.

Болалар ўз эҳтиёжи ва муносабатларини сўзлардан кўра, кўпроқ расмларда намоён этишади. Шу боис, улар томонидан чизилган расмлар, уларнинг эмоционал муносабати ва аҳволлари, эҳтиёжлари тўғрисида маълумотлар беради. 1926 йилдан бошлаб Флоренс Гудинаф болаларнинг чизган расмлари орқали уларнинг интеллектини ўлчашга ҳаракат қилган. “Инсон расми”ни чизиб берган боланинг психик ёши инсоннинг юзи, кўл-оёғи, танаси каби деталлар билан белгиланган.

Гудинафнинг ушбу тести тез ёйилиб, кенг қўлланила бошланди. Чунки, расми ёки проектив тестларни ўтказиш жуда қулай, айниқса, уларни турли маданиятларга модификация талаб қилмаслигини ажратиб кўрсатса бўлади. 1948 йилда Бак “уй-дарахт-инсон” техникасини муомалага киритган.

Олимнинг фикрича, инсон расми амалиётчиларга пациентларининг таъсирга берилувчанлиги, камолоти, эгилувчанлиги ва шахснинг интеграллашув даражаси ҳақида маълумот бериши мумкин. Уй ва дарахт бўлса, кўшимча тарзда ривожланиш, ҳаётий энергия (дарахт) ҳамда инсонни куршаб турган муҳит (уй) тўғрисида маълумотлар тақдим этиш имкониятига эга.

Карен Маховер инсон фигураларидаги психопатологик белгилар билан боғлиқ муаммоларни кўриб чиқишга имкон топган. Кўл-оёқ ёки тананинг ҳолати организмдаги гармония ёки дисгармониядан далолат беради. Аммо инсоннинг юзидаги эмоционал ҳолатининг амбивалентлиги баъзи муаммоларни келтириб чиқарган.

Бундай вазиятлар асосан патологияси бор инсонларда учраган. Маховер баъзи жиҳатларга алоҳида тўхталган:

—Тугмага алоҳида эътибор кўрсатилганлиги – маълум боғлиқликдан далолат беради.

— Тана қисмларини катталаштириш мазкур қисмларнинг фаолиятига шахс диққатини йўналтирганлиги ҳақида маълумот бериш имкониятига эга; масалан, катта қулоқларни чизиш шахсни эшитиш қобилиятининг муаммолари мавжудлиги тўғрисида информация тақдим этади.

— Ўлчам шахсни баҳолаш юзасидан ахборот беришдир; ўзига ишонган шахс инсон расмини жуда кичкина қилиб чизади.

— Расм чизишдаги босим шахс импульсларининг ичкарига ёки ташқарига йўналганлиги ҳақидаги хабар беришдир; яъни депрессия ҳолатидаги инсон қоғозга қаламни енгил босиб расм чизади; агрессив киши бўлса, у қаламни ўта босиб расм чизиши мумкин.

Жумладан, Резникофф, Ди Лео каби олимлар оила расмини чизиш ва уни диагностика қилиш жараёнида мавжуд ўзаро низоларни кўриб чиқишган. Юқорида келтирилган инсон расми, “Уй-дарахт-одам” ва ҳатто оила расми каби методикалар жуда кам диагностик маълумот бера олади. Расмлар статик ҳолатда, ригид усулда чизилади.

1972 йилдан бошлаб З.С.Бернс ва С.Х. Кауфман “Оиланинг кинестетик сурати” методикасини ишлаб чиқишни йўлга қўйишган. Клицинист тадқиқотчилар ўз ишларини касалхона ва клиникаларда 10000 дан зиёд болаларнинг чизган расмларини йиғиш, уларни интерпретация қилиш билан иш бошлашган. Йўриқнома сифатида эса қуйидагилар айтилган: “маълум иш билан машғул оиланинг расмини чизиб бер”. Болаларга оддий ва рангли қаламлар берилиши мумкин. Бернс ва Кауфманлар расм чизишда 2 жиҳатга эътибор қаратишган А услуб ва Б ҳаракат. Услуб қуйидагича кўринишга эга:

1. Ажратиб чизиш. Болалар ўзларини (хисларини) бошқа оила аъзоларидан ажратишга ҳаракат қилишади.

2. Тагига чизиқ чизиш. Қоғознинг тагига чизиқ чизиш, асосан мустаҳкам бўлмаган оилаларнинг фарзандларига хос.

Ҳаракат 3 га бўлинади:

1. Онанинг ҳаракатлари:
 - а) овқат пишириш ҳаракати - бола эҳтиёжларини қондирувчи она,
 - б) уйни тозалаш ҳаракати - импульсив оналарга хос бўлиб, уйдаги одамларга қараганда уйнинг ўзи билан банд бўлишидан далолатдир. Кўпинча ижобий хулқ сифатида баҳоланади,

в) дазмол уриш ҳаракати - ўз меҳрини боласига ортиқча беришга интиланган она сиймоси.

2. Отанинг ҳаракатлари:

а) уй ишлари билан машғуллик тасвири - газета ўқиш, солиқлар тўлаш, болалар билан ўйнаш нормал оталарга хос деб баҳоланади,

б) ишга кетаётган ёки ишда банд отанинг тасвири. Бу отанинг оиладан узоқроқ, ундаги психологик муҳитдан ташқарида эканлиги ҳақида ахборот беради,

в) кесиш ёки чопиш ҳаракатлари, яъни газонни кесиш, дарахтни чопиш кабилар қаттиққўл, кўпол оталарни англатади.

3. Рақобат ҳаракатлари оила аъзолари мусобақалашувининг тасвири сифатида намоён бўлади. Масалан, коптукни ўйнаш, отиш ёки самолёт ва пичоқларнинг шундай ҳаракатлар бажараётганини чизиш. Бу каби тасвирлар рашк қилувчи болаларда кўп учрайди. Бернс ва Кауфман томонидан баъзи символ ёки синдромлар алоҳида кўрсатилган:

— Ахлат ёки ифлос нарсаларнинг расми (полда ифлос доғлар ёки боғда ифлос барглари тасвири). Бола учун нохуш ҳолатларни бошдан кечиш - безовталаниш аломати. Пациентда ички мутаносибликни, ҳамоҳангликни бузилиш ва айбдорлик ҳиссининг доминантлиги юзасидан хабар беради.

— Сув, ях, ёмғир, юлдузлар, музлатгич ва шу каби совуққа алоқадор объектлар депрессия ёки депрессив кайфиятнинг белгиси ҳисобланади.

— Гул ва капалаклар, реал мавжуд ёки исталган хаёлий сокинлик ва тинчлик симболидир.

— Ҳаволи пуфаклар, варраклар бола фориғ бўлишни хоҳлаган босим ҳисси.

— Агрессия синдромига, болалар кровати ёки қафас, шунингдек, барабан, қурол, омоч, ҳаскаш, паншаха, ёввойи ҳайвонларнинг расми киради.

— Йўл ҳаракатининг белгилари, уй ва мактаб қоидаларига (асосан ижтимоий) қоидаларга бўйсунуш, ўз эмоциялари ва ҳаракатларини чеклаш аломатидир

— Хукмронлик ва тазйиқ белгилари: супурги, кийимларнинг чанг коқгичи, юк ташувчи машина, ишлаб чиқариш техникаси (экскаватор, кран), поездлар, баланд иморатлар киради.

Оиланинг кинестетик сурати методикаси кўпгина муаммоларни аниқлашга ёрдам беради. Жумладан, идентификация ва дастлабки (илк) депривация, қизлардаги ва ўғил болалардаги жинс идентификация масалалари, мактаб ва ўқишдаги қийинчиликлар мисол бўла олади. Агарда олинган натижалар ишончлигини текширмоқчи бўлсак, суҳбат методи ёрдами билан сўров—суриштириш, махсус тестлар кўмагида эса маълумотларни аниқлашимиз мумкин.

2.2. 5-6 ёшлиларида проектив методикаларни ўтказиш ва уларни тахлили.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараён дир, чунки кўпгина шахсни тадқиқ қилиш методлари, катта ёшли одамларга мўлжалланган ва болани ўз-ўзини тахлил қилиш имкониятларига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида ўрганаладиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва беқарор дир.

Болалар психодиагностикаси ихтиёрида фақат махсус проектив методлар яъни болани ютуққа эришиш мотивлари ва хавотирланиш ҳолатларини ўрганиш методлари мавжуд дир ёки шахс сифатларини баҳолашда эксперт методларидан фойдаланиш мумкин. Бунда эксперт сифатида болани яхши биладиган катталар, тарбиячилар, ота-оналар майдонга чиқади лар. Фақат ана шундай тарзда болани шахс сифатларига баҳо бера олиш имкониятларига эга бўламиз.

БОЛАЛАР ПРОЕКТИВ РАСМИ. Тасвирий фаолият боланинг ички ҳолати, теварак- атрофни идрок қилиши ва акс эттириши, ўз қобилияти, кечинмалари дунёсини ўрганишнинг самарали усулидан бири ҳисобланади. Болалар чизган расмга психологлар уларнинг ақлий образ

хусусиятлари, уларда юзага келаётган индивидуал белгиларни акс эттирувчи алоҳида фаолият тури сифатида қарайдилар. Болалар расмининг асосий сюжетларидан бири одамни тасвирлаш ҳисобланар экан, мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун одам фигурасини чизиш меъёрини фарқлаш зарур.

Ж. Бак (1948), Р. Бенсом и С. Кауфман (1972), Б. Гуддинаф, С.Р. Рейнольдс (1978), Г. Хоментастас ва Р.Ф. Беляускайте (1983) каби муаллифлар томонидан ўтказилган диагностик кадр-қимматга эга бўлган тадқиқотлар асосида болада тасвирий маҳорат ривожланиши қуйидаги босқичларга ажратилади:

Тасвирий даврнинг биринчи босқичи содда кўринишдаги расмлардан иборат (3-5 ёш). Бола 3,5 ёшда кўп ҳолларда юзни англатувчи доира ёки овал расмини чизади. Чунки, бола юзни фигуранинг асосий қисми сифатида идрок қилади. Бола бевосита бошга оёқни бирлаштиради, шунингдек, бошоёқ номли машҳур расм ҳосил бўлади. Унга секин-аста кўзни англатадиган алоҳида деталлар, яъни кўз кўриниши қўшиб борилади. 3,5 ёшлар атрофида бошга қўшилувчи ёки худди оёққа ўхшаш ўша жойдан «ўсувчи» қўлни тасвири (тўғри таёқчалар кўринишида) қўшилади. Одатда тананинг расми 3,5-4 ёшлар атрофида пайдо бўлади. Тананинг биринчи белгиси калла ва оёқ орасидаги вертикал чизиқ ҳисобланади. Баъзан тана доирада жойлашган юзни англатувчи иккинчи доира (сўнг овал) кўринишида тасвирланади. Бир оздан сўнг юзнинг ўзида кўз ва оғизнинг ўрнига уларни англатувчи доирача тасвирланади. Баъзан оғиз чизиқча билан тасвирланади. Бир вақтнинг ўзида турли томонларга ёйилган тўғри чизиқ кўринишида сочлар пайдо бўлади, кейинроқ нуқта кўринишида бурун белгиланади. Кейинроқ (5 ёшлар атрофида) расмда меъёрдаги бўйин, қош, кулоқ пайдо бўлади. Одам расми тўлиқ «тайёр» бўлганда, мазкур деталлар бир вақтда намоён бўлади, яъни бош, кўз, бурун, оғиз билан таёқча қўл ва таёқча оёқ чиқувчи тана иштирок этади. Улардан сўнггина кийим, бармоқни ифодаловчи ундан катта қисмлар пайдо бўлади.

Бола ҳаётининг бешинчи йилларидан сўнг тана доира, овал, учбурчак ёки тўртбурчак кўринишда тасвирланади. Бош бевосита тана билан қўшилади. Бола оёқларни бир-биридан узоқда чизади, кўп ҳолларда у тананинг четки қисмлари билан боғлиқ. Бош ва тана мутаносиблиги, узунлиги, шунингдек охириги қисмларни туташганлиги бир маромда эмас. Расмдаги мавжуд деталлар, яъни қўл бармоқлари одатдан кўра жуда узун ва беш сонига тўғри келмайди.

Тасвирий даврнинг иккинчи босқичи (6-7 ёш). Бола чизган расм кўпроқ схематик тарзга айланади. Бола ҳаракат, ҳиссиёт ва мимикани фарқлайди. Улар тасвирлайдиган объектлар яққол намоён бўладиган характер кирраларига эга. Боланинг олти ёш даврида қулоқ, соч каби қисмлар қўшилади. Кўп ҳолларда соч фақатгина бош чизикларида бўлиб, гоҳида бола бошга жойлаштирган ёки ундан бошнинг контур чизиғини ўтказган ҳолда шляпа расмини чизади. Шунингдек, кийимнинг биринчи белгилари рангсиз қисмларга эга. Эркаклар фигураси аёллар фигурасига қараганда ўзгача чизилади. Аёллар фигураси бел қисмидан ажратилган ҳолда, икки қисмдан иборат бўлади.

Боланинг етти ёшида, энг аввало, расм мутаносиблигини аниқлаштириш муҳим. Оёқларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши яқинлашади, қўллар елканинг юқори қисмига тўғри қўшилади, бўйинни англатувчи белги пайдо бўлади. Бола кийим, соч турмагини такомиллаштиради.

Бола чизган расм нафақат боланинг психик ривожланиш даражасини, болалар ва катталар дунёсини, балки ўраб турган теварак-олам ўртасидаги чуқур боғлиқликдаги бузилиш сифатида қабул қилинувчи мавжуд депривацион омиллар таъсирини акс эттиради. Депривация — бу бирор бир нарсани йўқотиш, узоқ муддат мобайнида ёки бирор-бир зарур эҳтиёжларни етарли даражада қондирилмаслигини англатувчи психик ҳолат. Гап жисмоний маҳрумлик ҳақида эмас, айнан асосий психик эҳтиёжларни етарли даражада қондирилмаслиги ҳақида боради: ҳис — туйғуларнинг самимийлиги, муҳаббатга эҳтиёж, қабул қилишга эҳтиёж (Й. Лангмейер, 3.

Матейчек). Биз расмли проектив методикаларни бир нечта сабабларига кўра амалиётда кўллашда қулай бўлганлиги учун тавсия этамиз: улар бой маълумотга эга; нафақат болаларнинг ўзидаги муаммони, балки яқин-атрофидагиларда яширинган муаммо сабабларини тушуниш имконини беради; қайтадан кўллашда (2-3 ой оралиғида) психик ҳолат динамикасини кўрсатиш имконини беради. Бундан ташқари, расм чизиш болалар учун одатий фаолият ҳисобланади.

«УДО» тести бола билан яхши алоқани ўрнатишда алоҳида ёрдам беради. Шунинг учун уни аввалги учрашувда муваффақиятли бажариш лозим. Шунини ёдда тутиш лозимки, дастлабки ишнинг асосий натижаси бола учун ёқимли муҳитни барпо этиш ҳисобланади. Агар биз бола билан умумий тил топишни истасак, унинг ҳурмати ва ишончини қозонишимиз, биринчи навбатда болага нисбатан ҳурматни намоён қилишимиз, унга ишона олишимиз, болага самимий туйғуларни, жиддий муносабатларни изҳор қилишни ўрганишимиз зарур.

Қуйидаги методикамиз болалардаги ютуққа эришиш мотивининг тараққиёт даражасини баҳолашга мўлжалланган. Бунда мактабгача тарбия ёшдаги болаларнинг ҳар-хил вазиятлардаги фаолиятида муваффақиятга фаол интилишлари тадқиқ қилинади. Ютуққа эришиш мотиви шахсга туғма ҳолатда берилмайди. Балки мактабгача тарбия ёшида шаклланиб бориб, бола мактабга қабул қилинаётган даврга келиб, бола беқарор шахс сифатига айланиши мумкин. 5-6 ёшли болаларда, ушбу эҳтиёж уларнинг индивидуал сифатларида бир-биридан жуда катта фарқланади. Бунда ютуққа эришиш мотиви кучли бўлган болалар асосан ҳаётида жуда катта муваффақиятларга эришадилар. Агар ушбу эҳтиёж суст ривожланган бўлса, у ҳолда омадсизликлардан қочиш мотиви болаларда юқори ўринда туради.

Мактабгача тарбия ёшдаги бола шахси ва шахслараро муносабатларини ташхис қилиш.

Мақсад: Педагог психологларни мактабгача тарбия ёшдаги болаларнинг шахси ва шахслараро муносабатларни ташхис қилишга ўргатиш ҳамда кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Боғча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кўра, бу даврни 3 босқичга ажратиш мумкин:

- биринчи давр - 3- 4 ёш оралиғида бўлиб, эмоционал жихатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустақамланиши билан боғлиқдир;
- иккинчи давр - 4- 5 ёшни ташкил қилиб, ахлоқий ўз-ўзини бошқара олиш билан боғлиқ;
- учинчи давр эса, шахсий ишчанлик ва тadbиркорлик хусусиятларини шаклланиши билан тавсифланади.

Мактабгача даврда ахлоқий тушунчалар борган сари қабтиллаша боради. Ахлоқий тушунчалар манбаи сифатида уларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланаётган катталар, шунингдек, тенгдошлари ҳам бўлиши мумкин. Ахлоқий тажрибалар асосан мулоқот, тақлид қилиш, жараёнида, катталарнинг мақтов ва танқидлари таъсирида ўтади ҳамда мустақамланади. Бу баҳо ва мақтовлар боланинг муваффақиятга эришишига бўлган ҳаракатларининг ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Боғча ёшидаги даврда болаларда мулоқотнинг янги мотивлари юзага келади, бу шахсий ва ишбилармонлик мотивларидир. Шахсий мулоқот мотивлари – бу болани ташвишга солаётган ички муаммолар билан боғлиқ, ишбилармонлик мотиви эса, у ёки бу ишни бажариш билан боғлиқ бўлган мотивлардир. Бу мотивларга аста-секинлик билан билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш билан боғлиқ ўқиш мотивлари қуйидаги: 3-3,5 ёшлар оралиғида ўзларининг муваффақият ва муваффақиятсизликларига ўз муносабатларини билдиради ва бу муносабат, асосан ўзларига берадиган баҳолар асосида шаклланади. 4 ёшли болалар эса, ўз имкониятларини реал баҳолай оладилар.

Лекин, 4-5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек ўзлари ҳақида маълум бир хулосани

бера олмайдилар. Ўз-ўзини англаши лаёқати катта боғча ёшида ривожланиб, аввал у қандай бўлгани ва келажакда қандай бўлишини фикрлаб кўришга ҳаракат қиладилар.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараён дир, чунки кўпгина шахсни тадқиқ қилиш методлари, катта ёшли одамларга мўлжалланган ва болани ўз-ўзини таҳлил қилиш имкониятларига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида ўрганаладиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва беқарор дир.

Болалар психодиагностикаси ихтиёрида фақат махсус проектив методлар яъни болани ютуққа эришиш мотивлари ва хавотирланиш ҳолатларини ўрганиш методлари мавжуд дир ёки шахс сифатларини баҳолашда эксперт методларидан фойдаланиш мумкин. Бунда эксперт сифатида болани яхши биладиган катталар, тарбиячилар, ота-оналар майдонга чиқади лар. Фақат ана шундай тарзда болани шахс сифатларига баҳо бера олиш имкониятларига эга бўламиз.

Биринчи методикамиз болалардаги ютуққа эришиш мотивининг тараққиёт даражасини баҳолашга мўлжалланган. Бунда мактабгача тарбия ёшдаги болаларнинг ҳар-хил вазиятлардаги фаолиятида муваффақиятга фаол интилишлари тадқиқ қилинади. Ютуққа эришиш мотиви шахсга туғма ҳолатда берилмайди. Балки мактабгача тарбия ёшида шаклланиб бориб, бола мактабга қабул қилинаётган даврга келиб, бола беқарор шахс сифатига айланиши мумкин. 5-6 ёшли болаларда, ушбу эҳтиёж уларнинг индивидуал сифатларида бир-биридан жуда катта фарқланади. Бунда ютуққа эришиш мотиви кучли бўлган болалар асосан ҳаётида жуда катта муваффақиятларга эришади лар. Агар ушбу эҳтиёж суст ривожланган бўлса, у ҳолда омадсизликлардан қочиш мотиви болаларда юқори ўринда туради.

Навбатдаги методика эса, болаларда алоқа ўрнатиш ва ихтиёрий хулқ-атворнинг ривожланиш даражасини аниқлашга мўлжалланган.

Бола билан алоқа ўрнатиш ва ихтиёрий хулқ – атворнинг ривожланиш даражасини аниқлаш методикаси.*

Мазкур методика Л.Красильникова томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, «ха» ва «йўқ демагин» деб номланади.

Кўрсатма: Биз сен билан ҳозир бир ўйин ўйнаймиз. Мен сенга саволлар бераман, сен уларга жавоб берасан. Лекин саволларимга «ха» ва «йўқ» деган сўзлар билан жавоб бермаслигинг керак. Масалан, сендан «ўйинчоғинг борми?» деб сўрасам, сен «ха» демасдан «Менда - ўйинчоқ бор» ёки «Ўйинчоғим бор» дея жавоб беришинг керак. Ёки мен сендан «Одамларнинг қаноти борми?» деб сўрасам, сен «йўқ» демай, «Одамларда қанот йўқ деб» жавоб беришинг керак, тушундингми? Қайси сўзларни айтмаслигинг керак? Агар бола тушунмаса, кўрсатма қайтарилади.

Методика материали: 10 та «ха» жавобига, 10 та «йўқ» жавобига эга ва 5 та бетараф совождан иборат.

Саволлар:

- Исминг нима?
- Сен ўғил боламисан ёки қиз боламисан?
- Сен боғчага борасанми?
- Боғчага бориш сенга ёқадими? (Боғчага бормаса) Боғчага боргин келадими?
- Боғчадан узоқда турасизларми? (Боғчага бормаса) Ўртоқларинг боғчага борадими?
- Музқаймоқни яхши кўрасанми?
- Музқаймоқ қандай рангда бўлади.
- Қора рангли музқаймоқ еганмисан?
- Сен қўлда юра оласанми?
- Сен учишни биласанми?
- Адажонинг қўғирчоқ ўйнайдиларми?
- Кечаси куёш чиқадими?
- Бўри куёндан кўрқадими?
- Шифокорга боришдан кўрқасанми?

- Шифокор кийими қандай рангда?
- Шифокорлар болаларнинг сочини оладими?
- Сенинг исминг... ми? (Бошқа исм айтилади)
- Сигир учишни билладими?
- Сен ҳозир ухляяпсанми?
- Сен мактабга борасанми?
- Ҳозир бошингда қалпоғинг борми?
- Қишда ўт бўладими?
- Ўт оқ рангда бўладими?
- Қор қандай рангда бўлади?
- Қор иссиқми?

Натижаларни баҳолаш.:

Тўғри жавоблар – қоида бузилмай берилган жавоблар.

Нотўғри жавоблар – қоидани бузиб берилган жавоблар.

Эслатма: боланинг сукут сақлаши, бош силкитиши, хатосини тўғрилаши тўғри жавоб бўлиб ҳисобланади.

Тўғри жавоблар миқдори 11 тадан кам бўлмаслиги керак.

Эслатма: методикани ўтказиш вақтида болага жавобининг тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида маълумот бермаслик керак.

* (Методика манбаси: Я работаю психологом ... Опыт, размышления, советы Подред. И.В.Дубровиной. – М.: ТЦ «Сфера», 1999. 223 – 225 бетлар)

Педагоглар ва психологлар оила муаммоларини, унинг анъана ва удумларини, бола шахсининг шаклланишида оиланинг таъсирини ўрганишда жуда кўп ишлар қилмоқдалар.

«Оила расми» тести.

Бола ота – онанинг фақатгина тарбиявий таъсир этиш маҳсули эмас. У ўз оиласини ўзича тушунади ва қабул қилади. Оиладаги ўз ўрнини ўзаро алоқада белгилайди ва оилада ўзини ўзича англайди. Болалар рўй бераётган ходисаларга катталарга нисбатан бошқача баҳо берадилар. Биз қачонки

атрофимиздаги оламни бола кўзи билан кўришга ўрганиб олганимиздан сўнггина, уларни тўғри тушунамиз, ҳаяжонларига, қайғуларига ёрдам бера оламиз. Эстон психологи Г.Хементаскас томонидан ишлаб чиқилган машхур «Оила расми» тести катталарга дунёни бола кўзи билан кўришга ёрдам берувчи воситадир. Бу тест боланинг ўз оиласига берган шахсий баҳоси ҳақида, оила аъзолари билан бўлган муносабатлари, бола нималарни идрок қила олмаслиги, нималарни кучли ҳаяжон билан ҳис қилиши ҳақида тушунча беради. Нималар болани онгсиз равишда хавотирга солса, худди шу нарсалар болаларнинг расмларида ифодаланади.

Оила расми бола шахсининг психологик портретидир. Бу тестни 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларда қўллаш мумкин. Психологлар бу тестдан боланинг оиладаги «Мен»ини ўрганиш мақсадида фойдаланадилар. Бу тестни ўтказиш педагогик ва психологик амалиётда қулай ва оммабоп. Бу тестни ўқитувчилар, мактаб психологлари ва ота – оналар ўтказишлари мумкин.

Тадқиқотни ўтказиш учун: 21 x 29 см ҳажмидаги оқ қоғоз, ўчирғич керак. Болага: «Илтимос, ўз оиланг расмини чизиб бер» - деб айтилади. Лекин «оила» нима эканлиги ҳақида тушунтирилмайди, чунки тадқиқот ўтказишнинг мақсади ўзгаради. Топшириқни ўтказиш учун вақт чегараланмайди. Топшириқни бола бажараётганда қуйидагиларга эътибор бериш керак: таркибларни чизиш кетма – кетлиги, таркибларни ўчирилиши, боланинг изоҳларга, ҳис – ҳаяжонга берилиши ва ҳ.к.

Топшириқ бажариб бўлгандан сўнг болага қуйидаги саволлар берилади: 1) Айтчи, сен бу расмда кимларни чиздинг? 2) Улар қаердалар? 3) Улар нима қияптилар? 4) Улар хурсандмилар, ёки бирон нарсдан зерикканмилар? 5) Улардан қайси бири бахтли? Нимага? 6) Улардан қайси бири жуда бахтсиз? Нимага?

«Оила расми» тестини таҳлил қилиш учун: а) боланинг ёши, б) оила аъзоларининг сонини в) ака, ука, опа, ёки сингилларининг ёшини билиш керак.

Оила расми методикасининг таҳлили:

1) Боланинг ҳақиқий оиласи унинг чизган оила расми билан таққосланади. Оиладаги ўзаро муносабатлар ва ундаги муҳит ижобий бўлса, бола оиладаги барча аъзоларнинг расмини чизади. Агар расмда оила аъзоларининг биронтаси чизилмаган бўлса, демак оилавий вазият мукамал эмас.

2) Агар расмда оилага тааллуқли бўлмаган одамларнинг расми чизилган бўлса: а) эътиборсизлик, ёлғизланиб қолиш, б) кучли катта хавотирланиш даражаси.

3) одатда болалар оиланинг қайси бир аъзоси билан низоли муаммо вужудга келган бўлса, шуни чизишни унутиб қўядилар. Кўп ҳолларда ака, ука ёки опа, сингилларнинг расмини чизмайдилар. Бу билан бола оилада ўзининг устунлигини, ота ва онасининг меҳрига тўймаганлигини ифодалайди. Масалан, бола ўзини ота ва онасининг ўртасида чизиб кўрсатган, кичик укаси ёки синглисини эса умуман чизмаган.

4) Агар бола ўз расмини чизмаган бўлса ёки оиласининг ўрнига фақат ўзинигина чизса, демак бу ҳолда оилада умумий бирликнинг йўқлигидан далолат беради.

5) Агар оиласининг ўрнига бола ҳайвонлар ва қушларни чизса, демак болага эътибор ва ҳиссий мулоимлик етишмайди.

6) Агар бола оила аъзоларининг расмини қўллари туташган ва бир қаторда чизган бўлса, демак бу оиладаги психологик иқлим яхши. Агар ундай бўлмаса, демак аксинча.

7) Агар оила аъзолари гуруҳ – гуруҳ бўлиб чизилган бўлса, демак бу оилада кичик гуруҳлар борлигини билдиради. Масалан, 9 ёшли ўғил бола ўзини отаси билан, онаси ва опасини эса алоҳида гуруҳда чизган.

8) Оила аъзоларининг кийимларида кўп таркибларнинг борлиги, ранглиги оилавий муносабатларнинг ижобийлигини кўрсатади ва аксинча оилавий муносабатларда адоват бўлса, оила аъзоларининг гавдалари тўлиқ бўлмай, кийимсиз ёки тугатилмай чизилади.

9) Болалар одатда отаси ва онасини жуда катта қилиб чизади. Демак, оиладаги муносабатлар тенглик асосида, бола ўзини оилада катталардек ҳис қилади.

10) Агар болалар ўзларини отаси ва онасидан ҳам катта қилиб чизса, демак болани ўз – ўзини баҳолаш даражаси жуда ҳам юқори.

11) Агар бола ўзини бошқа оила аъзоларига нисбатан жуда кичик ота – онаси томонидан ғамхурлик талаб қилади.

12) Агар бола ўз расмини қўлларини юқорига кўтарган ҳолда, бармоқларини узун қилиб чизган бўлса, бу унинг тажовузкорлигидан хабар қилади. Баъзан бундай расмларни ювош болалар ҳам ўзининг атрофидаги одамларга нисбатан тажавузкорона руҳда эканлиги, лекин бу ҳолат яширинлиги маълум бўлади ҳамда бола кучли ва ўзгалар устидан ҳукмрон бўлиш ҳоҳиши борлигини билдиради.

13) Агар бола оила аъзоларининг қўлларини муштча тугилган ҳолда, бармоқлари узун ҳолатда чизса, демак у шу оила аъзосининг ўзига нисбатан тажовузкорлигини ҳис қилади.

14) Агар бола ўзининг тишларини катта қилиб чизган бўлса, демак унда тишлаш, бақиритиш, кўполлик қилишга мойиллик кучлидир. Агар бола бошқа оила аъзоларини шундай ҳолатда чизса, ана шу оила аъзосига нисбатан кўркув ва душманликни ҳис қилади.

15) Оила расми тести боланинг ёш хусусиятлари билан боғлиқдир. 3 – 4 ёшдаги болалар одам гавдасини чизиқлар билан тўлиқ бўлмаган ҳолда чизадилар. 7 – 8 ёшли болаларнинг расми эса анча бойроқ бўлиб, гавда тузилишлари тўлиқ, расмлар тугалланган бўлади.

Мисол учун 12 ёшли қизчанинг чизган оила расмига мурожаат қиламиз. Қизнинг оиласи онасидан, бувисидан ва ўзидан иборат. Қиз расмда ўзини, онасини ва отасини чизган. Отаси анчадан бери улар билан яшамайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: бола оиладаги умумий бирликни ҳис қилмайди, бувисига нисбатан тажовузкорлик бор. Онаси билан ўзининг орасида ҳиссий илиқлик йўқ. Расмда бола отаси билан бирга яшаш ҳоҳиши

борлигини яширинча билдирган. Бола ўзини оилада ёлғиз, яккаланган ҳолда, ҳамма томонидан ташлаб қўйилгандай ҳис қилади. Иккинчи мисол, 10 ёшли бола ўз оиласини тасвирлаган. Расмда барча оила аъзолари бир – бирининг қўлларини ушлаган ҳолда тасвирланганлар. Бола ўзини расмнинг марказида чизган. Расмни таҳлил қилар эканмиз, оиладаги психологик иқлим яхши эканлигини билиб олдик. Бола ўзини оилада кераклигини, ота–онасининг ва оила аъзоларининг меҳрини ҳис қилади.

Шундай қилиб, бола ўзини оилада қандай ҳис қилишни билишини хоҳласангиз, унга тоза оқ қоғоз беринг ва оила расмини чизиб беришини илтимос қилинг.

УМУМИЙ ТАХЛИЛ КИЛИШ

Бу тест учун миқдорий баҳо белгилаш системаси ишлаб чиқилган ва 5 хил аломат мажмуаси ажратиб кўрсатилган.

Оила кинетик расмининг аломатлари мажмуи

Аломатлар мажмуи	№	Аломат	Балл
I. Қулай оилавий вазият	1	Оиладаги барча аъзоларнинг умумий фаолияти	0,2
	2	Расмда одамларнинг кўплиги	0,1
	3	Расмда одамларнинг кўплиги	0,2
	4	Оилада яккаланиб қолган аъзоларнинг йўқлиги	0,1
	5	Штриховканинг йўқлиги	0,1
	6	Штриховканинг йўқлиги	0,2
	7	Чизиқнинг яхши сифати	0,1
	8	Адоват кўрсаткичларининг йўқлиги	
	9	Варақда одамларнинг ўхшаш тарзда тақсимланиши	
II. Хавотирланиш	1	Мумкин бўлган бошқа белгилар	
	1	Штриховка	0,1,2,3
	2	Асос чизиғи – жинс	0,1
	3	Расм устидаги чизиқ	0,1

	4	Кучли босиб чизилмаган чизик	0,1
	5	Ўчириш	0,1,2
	6	Деталларга эътиборни кучайтириш	0,1
	7	Нарсаларнинг кўплиги	0,1
	8	Қўшалок ёки узук – узук чизиклар	0,1
	9	Айрим деталларни таъкидлаш	0,1
	10	Мумкин бўлган бошқа белгилар	0,1
Ш.Оиладаги келишмовчилик вазияти	1	Шахслар ўртасидаги тўсиқлар	0,2
	2	Айрим шаклларнинг ўчириб ташланиши	0,1,2
	3	Айрим шаклларда гавданнинг баъзи бир қисмларининг йўқлиги	0,2 0,2
	4	Айрим шаклларни ажратиб кўрсатиш	0,2
	5	Айрим шаклларни яккалаб қўйиш	0,2
	6	Айрим шаклларнинг ўхшаш бўлмаган катталиги	0,1 0,1
	7	Ташқи тасвир билан расмнинг мос келмаслиги	0,2
	8	Нарсаларнинг кўплиги	0,1
	9	Расмда оила аъзоларидан айримларининг йўқлиги	
	10	Орқаси билан турган оила аъзоси	
	11	Мумкин бўлган бошқа белгилар	
IV. Оилавий вазиятда мукамал эмаслик туйғуси	1	Расм муаллифи номутаносиб равишда кичик	0,2
	2	Шаклларнинг қоғознинг қуйи қисмига жойлаштирилиши	0,2 0,1
	3	Чизик заиф, узок – юлуқ	0,2
	4	Муаллифнинг бошқалардан ажралиб қолиши	0,1

	5	Кичик шакллар	0,1
	6	Муаллиф шаклининг бошқаларга нисбатан ҳаракатсизлиги	0,2 0,1
	7	Муаллифнинг йўқлиги	
	8	Муаллиф орқа ўгириб турибди	
	9	Мумкин бўлган бошқа белгилар	
V. Оилавий муносабатларда адоват	1	Битта шакл бошқа варақда ёки варақнинг орқа томонидан	0,2
	2	Шаклнинг тутган тажовузкор йўли	0,1
	3	Ўчириб ташланган шакл	0,2
	4	Қиёфаси ўзгартирилган шакл	0,2
	5	Тескари профиль	0,2
	6	Қўллар икки томонга ёйилган	0,1
	7	Бармоқлар узун, таъкидлаб кўрсатилган	0,1
	8	Мумкин бўлган бошқа белгилар	

Оилани кинетик расми методикаси фақат бугунни, ўтмишни акс эттириб қолмай шу билан бирга келажакка қаратилгандир, чунки бола расм чизишда вазиятни тушуниб олишга интилади, долзарб оилавий муносабатлар муаммосини ҳал қилади. Оиланинг кинетик расми икки қисмдан расм чиздириш ва расмдан кейин расмдан суҳбатлашишдан иборат.

2.3. ОКР методикасини ўтказиш усули ва натижалар таҳлили

Биз малакавий битирув ишининг тажриба ишини оила расми методикасини ўтказиш орқали амалга оширдик. ОКР методикасидан катта

боғча ёшидаги болаларнинг шахслараро муносабатларни идрок этишни ўрганиш учун тадқиқот иши олиб бордик.

Тадқиқотнинг мақсади: Катта боғча ёшида оиладаги шахслараро муносабатларни ўрганишга доир маълумотларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифаси: Катта боғча ёшдаги боланинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот методикаси: «ОИЛАНИНГ КИНЕТИК РАСМИ» МЕТОДИКАСИ.

Бу методика проектив методикалардан ҳисобланади. Бу методика нихоятда ахборотга бой ва болани субъектив нуктаи назарини очиб беради.

Инструкция – оқ коғоз ва рангли каламлар.

- Ўз оилангни чизиб бер.

Расм чизиш давомида болани кузатиб туриш ва изохларини ёзиб бориш. Кетма-кетликни ҳам ҳисобга олиш. Расмни чизиб бергунга қадар кутиш (20 мин). Расмга изох беришини ёзиб боринг, сунгра суҳбат ўтказиш.

- Расмда кимларни чиздинг, улар нима қияпти ва хаказо.

ТАҲЛИЛИ

1. Оилани реал ва расмдаги таркибини қиёслайсиз, оила аъзоларини сони қўнайиши ҳолати.

Катта одамлар қўшиш – ўзига меҳр ва эътибор этишмаслиги.

Тенгқурларини қўшиш – мулоқот доирасини этишмаслиги, тенгқурлари билан мулоқот этишмаслиги.

Кичкиналарни (хайвонларни) қўшиш – бу боладаги ўзини катта булишини хохлаши, бировларга ёрдам беришни истаганлиги, бировларга меҳр-оқибат курсатиш.

Оила аъзоларининг сони камайиши – ўзига қайсидир томонлари ёқмайдиган оила аъзоларини чизмайди.

Битта ўзини чизса – боладаги эгоцентризм ёки боладаги яққаланиб натижаси.

2. Оила аъзоларининг гавдасини катта-кичик қилиб чизиши.

Ўзини номутаносиб равишда кичик қилиши – ёки бошқалардан ажралиб қолиши.

Бу болани оиладаги мукаммал эмаслигини кўрсаткичи. Оила аъзоларини отаси ёки онаси гавдаси катта ёки ёндор ва деталларга бой бўлса, бу болани ижтимоий муносабатини белгиси.

Агар гавда катта, лекин схематик ва рангсиз бўлса, шу оила аъзосини доминантлигини белгилайди.

Ўзини ота-онаси билан бир хил чизиши – узаро яхши муносабатини ва аъзолар орасидаги яхши контактни белгиси ҳам булиши мумкин. У ўзини шулардек булишини хоҳлайди.

3. Тана қисмларини жойланишини тахлили.

Бола ўзини қўлларини катта юкорига қараб чизиши бола узидаги агрессив интилишларини курсатиши.

Ўзини қўлсиз ва кичкина қилиб чизиш – ўзига ишонмаслик, ўзини кучсизлигини сезиш, аҳамиятсиз ва бошқалар томонидан имкониятларини чеклаб қуйилганлигини сезиш.

Агар бошқа аъзоларни қўлини катта қилиб чизса – шуки агрессивлик белгиси. Бошқа аъзони қўлсиз ёки кичик қўл билан чизса айнан шу одамни оилада имкониятсиз, кучсиз эканлигини белгиси. Агар гавдаси катта, қўлсиз бўлса, бола беихтиёр шу одамни активлигини камайтиришни истайди.

Оёқларини кичик ва кучсиз қилиб чизиши, болада ўзига ишонмаслик ва ўзини химояланмаган ва хавотирлик ҳолатини белгиси.

4. Юз қисмларини чизиши.

Ўзини оғзини чизмаслиги – мулоқот камлиги, етишмаслиги.

Кўзини чизмаса – эътибор ва меҳр етишмаслигининг белгиси.

Юз қисмларини чизиш ва ўчириш ҳолати – бу ҳам оиладаги адоватлар.

Бошқа аъзоларини юзини деталларини чизмаслик айнан шу одам билан мулоқот етишмаслиги ёки оиладаги келишмовчилик белгиси.

5. Бола жихозлар, табиат манзараларини қуёш ва бошқа предметларни чизиши беихтиёр оилада келишмовчилик мавжудлиги.

УМУМИЙ ТАХЛИЛ КИЛИШ

Бу тест учун микдорий баҳо белгилаш системаси ишлаб чиқилган ва 5 хил аломат мажмуаси ажратиб курсатилган.

1. Қулай вазият.
 2. Хавотирлик.
 3. Оиладаги келишмовчилик вазияти.
 4. Мукаммал эмаслик туйғуси.
 5. Оилавий вазиятдаги адоват.
- I. Қўлай оилавий вазият.
1. Оиладаги барча аъзоларнинг умумий фаолияти.
 2. Расмда одамларнинг куплиги.
 3. Оиладаги ҳамма аъзоларнинг тасвирланиши.
 4. Оилада яққаланиб қолган одам йўқлиги.
 5. Штриховкани йўқлиги.
 6. Чизикни яхши сифати.
 7. Варақда одамларни ухшаш тарзида тақсимланиши.
- II. Хавотирлик.
1. Штриховка.
 2. Расм устидан чизиш.
 3. Кучли босиб чизиш.
 4. Ўчириш.
 5. Деталларга эътиборни кучайтириш.
 6. Майда деталларнинг куплиги.
- III. Оилада келишмовчилик вазияти.
1. Шахслар уртасида тусиклар (деворлар, мебеллар, хоналар).
 2. Айрим шаклларни ўчириб ташлаши.
 3. Айрим шаклларда гавдани йўқлиги.
 4. Айрим шаклларни яққалаб қуйиш.
 5. Айрим шаклларни ухшаш булмаган катталиги.
 6. Ташки таъсир билан расмнинг мос келмаслиги.

7. Нарсаларнинг куплиги.
8. Оила аъзоларидан айримларининг йўқлиги.
9. Оркаси билан турган оила аъзоси.
10. Мумкин бўлган бошқа одамлар.

ИВ. Оилавий вазиятда мукаммал эмаслик туйғуси.

1. Расм муаллифи номутаносиб равишда кичик.
2. Шаклларни коғознинг қуйи қисмига жойлаштириш.
3. Чизик заиф, узук-юлук.
4. Муаллифнинг бошқалардан ажралиб қолиши.
5. Кичик шакллар.
6. Муаллиф шаклининг бошқаларга нисбатан ҳаракатсизлиги.
7. Муаллиф орка угирилиб туриши.
8. Мумкин бўлган бошқа белгилар.

V. Оилавий муносабатларда адоват.

1. Шаклнинг тутган йули.
2. Ўчириб ташланган шакл.
3. Киёфаси ўзгартирилган шакл.
4. Тескари профиль.
5. Қўллари ички томонга йуналган.
6. Мумкин бўлган бошқа белгилар.

Оилани кинетик расми методикаси фақат бугуни, ўтмишни акс эттириб қолмай шу билан бирга келажакка қаратилгандир, чунки бола расм чизишда вазиятни тушуниб олишга интилади, долзарб оилавий муносабатлар муаммосини ҳал қилади. Оиланинг кинетик расми икки қисмдан расм чиздириш ва расмдан кейин суҳбатлашишдан иборат.

Биз мазкур методикани мактабгача ёшдаги беш нафар болаларда ўтказдик ва қуйидаги маълумотларни тўпладик.

1-синалувчи Хўшбоқова Мафтуна, 6 ёшда.

Бу кизда ОКРдаги биринчи кулай оилавий вазият аломатлари тўғри келади. Масалан, бунда оиладаги барча аъзоларининг умумий фаолияти расмдаги одамларнинг кўплиги, оиладаги барча аъзоларнинг тасвирланиши, оилада яккаланиб қолган аъзоларнинг йўқлиги, штриховканинг йўқлиги, чизиқнинг яхши сифати, адоват кўрсаткичларнинг йўқлиги, варақда одамларнинг ўхшаш тарзда тақсимланиши, мумкин бўлган бошқа белгилар каби аломатлар тўғри келади.

2-синалувчи Бахтиёрова Озода, 6 ёшда.

Бу синалувчини чизган расми таҳлили шуни кўрсатадики, бу оилада ҳам кулай оилавий вазият мавжудлиги кўринади, яъни ушбу чизилган расмда ҳам одамларнинг кўплиги, оиладаги барча аъзоларнинг тасвирланиши, оилада яккаланиб қолган аъзоларнинг йўқлиги, штриховканинг йўқлиги, чизиқнинг яхши сифати, адоват кўрсаткичларнинг йўқлиги, варақда одамларнинг ўхшаш тарзда тақсимланиши, мумкин бўлган бошқа белгилар каби аломатлар тўғри келади.

3-синалувчи Бахтиёров Фурқат, 5 ёшда.

Бу синалувчимизда ҳам худди юқоридаги синалувчиларнинг чизган оила натижалари қайд этилди. Яъни, Фурият чизган расмида кулай оилавий вазият мавжудлиги кўринади, яъни ушбу чизилган расмда ҳам одамларнинг кўплиги, оиладаги барча аъзоларнинг тасвирланиши, оилада яккаланиб қолган аъзоларнинг йўқлиги, штриховканинг йўқлиги, чизиқнинг яхши сифати, адоват кўрсаткичларнинг йўқлиги, варақда одамларнинг ўхшаш тарзда тақсимланиши ыайд этилган.

2-БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСАЛАР.

Проектив методикаларни, хусусан расмли проектив методикаларни мактабгача ёшдаги болаларда қўллаш имкониятлари бугунги кунда анча

кенгайгандир. Проектив методлар тест усулларининг бир кўриниши ҳисобланиб, уларда текширилувчига аниқ тизимга ёки кўринишга эга бўлмаган ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шарҳлаш топшириғи берилади. Бинобарин, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган расмлар, тугалланмаган хикоялар, бирор аниқ кўриниши мавжуд эмас буюмлар, ёғочлар берилиши, ёки уларга қараб текширилувчи ўзининг ҳиссий кечинмалари, қизиқишлари, дунёқараши нуқтаи назаридан баҳолаши кутилади. Болалар ўз эҳтиёжи ва муносабатларини сўзлардан кўра, кўпроқ расмларда намоён этишади. Шу боис, улар томонидан чизилган расмлар, уларнинг эмоционал муносабати ва ахволлари, эҳтиёжлари тўғрисида маълумотлар беради. Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараён дир, чунки кўпгина шахсни тадқиқ қилиш методлари, катта ёшли одамларга мўлжалланган ва болани ўз-ўзини таҳлил қилиш имкониятларига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида ўрганиладиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва беқарор дир.

Болалар психодиагностикаси ихтиёрида фақат махсус проектив методлар яъни болани ютуққа эришиш мотивлари ва хавотирланиш ҳолатларини ўрганиш методлари мавжуд дир ёки шахс сифатларини баҳолашда эксперт методларидан фойдаланиш мумкин. Бунда эксперт сифатида болани яхши биладиган катталар, тарбиячилар, ота-оналар майдонга чиқадилар. Фақат ана шундай тарзда болани шахс сифатларига баҳо бера олиш имкониятларига эга бўламиз.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Битирув малакавий ишини якунида биз қуйидаги хулосаларга эга бўлдик. Республикамиз халқ таълимининг замонавий тизимига психологик

ташхис, психолог маслаҳати ва психологик коррекция каби категориялар кириб, мустаҳкам ўрнаша бошлади. Психологик хизматнинг бола шахси равнақи, унинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш учун амалга оширилишига шак-шубҳа йўқ, албатта.

Айниқса, боғча гуруҳидаги болаларнинг ақлий (жисмоний) имкониятлари уларнинг таълим-тарбиясига, интеллектуал салоҳият даражасига ҳамда шахслараро муносабатларига, бола характерининг шаклланишига, шунингдек гуруҳдаги рухий муҳитга бевосита таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқадики, болалар шахсини ривожлантиришда таълим-тарбиянинг роли ҳамда оила, ижтимоий муҳит ва биологик омилларининг таъсирини ўрганишда проектив тестлар орқали бола психикасини ўрганиш долзарб муаммолардан биридир.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараён дир, чунки кўпгина шахсни тадқиқ қилиш методлари, катта ёшли одамларга мўлжалланган ва болани ўз-ўзини таҳлил қилиш имкониятларига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида ўрганиладиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва беқарор дир.

Проектив методикаларни, хусусан расмли проектив методикаларни мактабгача ёшдаги болаларда қўллаш имкониятлари бугунги кунда анча кенгайгандир. Проектив методлар тест усулларининг бир кўриниши ҳисобланиб, уларда текширилувчига аниқ тизимга ёки кўринишга эга бўлмаган ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шарҳлаш топшириғи берилади. Бинобарин, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган расмлар, тугалланмаган ҳикоялар, бирор аниқ кўриниши мавжуд эмас буюмлар, ёғочлар берилиши, ёки уларга қараб текширилувчи ўзининг ҳиссий кечинмалари, қизиқишлари, дунёқараши нуқтаи назаридан баҳолаши кутилади. Болалар ўз эҳтиёжи ва муносабатларини сўзлардан кўра, кўпроқ расмларда намоён этишади. Шу боис, улар томонидан чизилган расмлар, уларнинг эмоционал муносабати ва аҳволлари, эҳтиёжлари тўғрисида

маълумотлар беради. Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараёндир, чунки кўпгина шахсни тадқиқ қилиш методлари, катта ёшли одамларга мўлжалланган ва болани ўз-ўзини таҳлил қилиш имкониятларига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида ўрганаладиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва бекарордир.

Мактабгача таълим муассасаларида психологик ташхис хусусиятлари, жумладан, халқ таълимининг замонавий тизимида психологик ташхис, психолог маслаҳати ва психологик коррекция каби категориялар кириб, мустақкам ўрнаша бошлаганлиги, МТМда психологик ташхис муаммолари ва имкониятлари, болалар психологик ташхис тадқиқотининг хусусиятларини ўрганиш алоҳида диққат эътибордаги масалалардан биридир.

Мактабгача ёшдаги болаларни психологик ташхис қилишда тадқиқот ўтказувчи мутахассис бола билан ишлаш жараёнида ўзаро муносабат ўрнатиш, диққатни белгиланган вазифага қаратиш, бу ёшдагиларнинг толиқиши ва вазияпа мослаша олмаслиги, шу билан бирга, болалар билан тест ўтказиш вақтида ҳулқ-атвор реакциясини кенглиги каби қийинчиликларга дуч келади. Психолог ташхис тадқиқот мақсадларини инобатга олиши зарур. Масалан, агарда бола боғчага қабул қилинаётган бўлса, унга таъсир этувчи ота-оналарда учрайдиган невроз ҳолатларини эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Афсуски, боғча ёшидаги болаларни баҳоловчи жараёнга нотўғри тайёрлайдиган ота-оналар ҳам учраб туради. Шунини ёдда тутиш керакки, болалар уйда, яқинлари билан мулоқотда, ўйин пайтида намоён қиладиган имкониятларни камдан-кам ҳолларда ташхис тадқиқотларда, вақт тиғиз ҳолларда (боладан тез жавоб беришини талаб қилишини сезганда) ёки бегона муҳитда намойиш этадилар.

Психологик тадқиқотнинг марказий масаласига таянган ҳолда бола билан алоқани ўрнатгач, психолог тадқиқотнинг асосий қисмига ўтади. Боланинг психик ривожланишини фақат битта жиҳатга қараб баҳолаш мумкин эмас,

тадқиқотнинг айрим маълум бир урғуларини жойлаштириш ҳақида гапириш мумкин. Мактабгача ёшдаги боланинг шахсий хусусиятларини тадқиқ қилиш учун кузатиш методикасидан фойдаланиш зарур. Психолог ҳар доим боланинг мулоқотга киришишининг характер хусусиятлари, унинг берилган машқларга қизиқиши, муваффақият ва муваффақиятсизликларга муносабатини белгилаб олади.

Болалар психодиагностикаси ихтиёрида фақат махсус проектив методлар яъни болани ютуққа эришиш мотивлари ва хавотирланиш ҳолатларини ўрганиш методлари мавжуддир ёки шахс сифатларини баҳолашда эксперт методларидан фойдаланиш мумкин. Бунда эксперт сифатида болани яхши биладиган катталар, тарбиячилар, ота-оналар майдонга чиқадилар. Фақат ана шундай тарзда болани шахс сифатларига баҳо бера олиш имкониятларига эга бўламиз.

Болалар проектив расми асосан мактабгача ёшдаги болаларни чизган расмлари орыали олиб бориладиган тадқиқот жараёнидир. Тасвирий фаолият боланинг ички ҳолати, теварак-атрофни идрок қилиши ва акс эттириши, ўз қобилияти, кечинмалари дунёсини ўрганишнинг самарали усулидан бири ҳисобланади. Болалар чизган расмга психологлар уларнинг ақлий образ хусусиятлари, уларда юзага келаётган индивидуал белгиларни акс эттирувчи алоҳида фаолият тури сифатида қарайдилар. Болалар расмининг асосий сюжетларидан бири одамни тасвирлаш ҳисобланар экан, мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун одам фигурасини чизиш меъёрини фарқлаш зарур.

Мазкур тадқиқотимизнинг мақсади мактабгача таълим муассасаларида проектив методикаларни кенг қўлланилиши йўлга қўйиш мазкур методиканинг аҳамиятли томонларини ўрганишдан иборатдир. Битирув малакавий ишини тайёрлаш давомида . мавзуга оид илмий-педагогик, психологик манбаларни таҳлил қилиш асосида мактабгача таълим муассасасида проектив тестларни қўллашнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш, МТМда психологик ташхисни йўлга қўйилишини ўрганиш, МТМда проектив тестлардан фойдаланиш ва уни таҳлил қилишни ўрганиш,

ОҚР методикасини ўтказиш ва тахлилини олиб бориш каби вазифаларни амалга оширдик.

Мазкур битирув малакавий ишнинг илмий-амалий аҳамияти шундаки, проектив методикаларни МТМларда қўлланилиши мактабгача ёшдаги болаларда психодиагностик ишларни ривожлантиришда, шунингдек, таълим-тарбия ишларини ташкил этишда ҳам услубий, ҳам амалий восита сифатида ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Каримов И.А. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т, Шарқ. 1997.
2. Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси” Т, 1996 йил
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” ; Маънавият. – Т, 2008 йил.
- 4.. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.”Маърифат” газетаси. 1997 йил 1 октябрь
5. .“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Т, 1997 йил
6. “Учинчи мингйилликнинг боласи”. таянч дастури ва ўқув қўлланмаси учун бадиий тўплам. Тузувчилар: Д. Қорабоева, З.Иброхимова ва бошқалар.”Маърифат-мададкор” Т, 2002й.
7. “Болажон” таянч дастури, тузувчилар: С.Мирджалилова, М.Расулова ва бошқалар.”Маърифат-мададкор” Т, 2010й.
- 8 . Мактабгача таълим давлат стандарти. ЎзПФТИ, Т, 2008й.
9. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълимга қўйилган Давлат талаблари. Т, 2000й.
10. Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари. Т, ЎзПФТИ, 2000. Тузувчилар: М.Расулова, Х.Абдурахмонова.
11. Ахмедова Х ва бошқалар “Болангиз мактабга тайёрми?” “Маърифат-мададкор”. Т., 2000 йил. тарбияси”, Т., ”Илм-зиё” нашриёти, 2006 йил.
- 12 . Давлетшин М.Г. ”Ёш даврлар ва педагогик психология”. Т., 2004 йил.
13. Иванов П.И., Зуффарова М.Э.”Умумий психология”. Т., 2008 йил.
14. Ибрагимов Х., У.Йўлдашев “Педагогик психология”. ”Ўзбекистон файласуфлари” миллий нашриёти, Т., 2009 йил.
15. Каримова В.М. ”Психология” ўқув қўлланма., Т., 2000 йил.
16. Логинова, В.И. Саморукова П.Г. лар. тахрири остида “Мактабгача тарбия педагогикаси”. “Ўқитувчи” Т., 1991 йил.
17. Низомова К “Олти ёшли болаларнинг мактабга психологик тайёрлиги ва уларнинг мактабга мослашиш жараёни урганиш “, Т., 2007 йил.
18. Нишонова З., Алимова Г. “Болалар психология ва ўқитиш методикаси”. Т., 2007 йил

19. Нишонова З.Т. "Болалар психологияси" ўқув қўлланма –Т., 2006 йил.
20. Нишонова З.Т. "Психологик хизмат" ўқув қўлланма – Т.,2007 йил
21. Норбошева М. "Болалар психологияси".Термиз-2002 йил.
22. Норбошева М. "Психодиагностика" маърузалар матни,Термиз-2003 йил.
23. Расулова М., Д.Абдуллаева, С.Охунжонова, "Болаларни мактабга психологик тайёрлиги",Т,2004й.
23. Гайбуллаева М., Гайбуллаева Д."Бир ёшдан уч ёшгача бўлган болалар
19. Хасанбоева О.У. "Оила педагогикаси", "Алоқачи".Т,2007й.
20. Юсупова П. "Мактабгача тарбия педагогикаси", "Ўқитувчи". Т-1993й.
21. Хасанбоева О.У ва бошқалар "Мактабгача таълим педагогика".Т., "Илм зиё" 2006 йил.
22. Ғозиев Э.Г. "Умумий психология", I-II китоб, Тош.Д.У. 2002 йил.
24. Я работаю психологом ... Опыт, размышления, советы Подред. И.В.Дубровиной. – М.: ТЦ «Сфера», 1999. 223 – 225 бетлар.

www.childpsy.ru

www.edu.uz

www.flogiston.ru

www.pedagog.uz

www.psychology.uz

www.psychology.net.ru

www.psycatalog.ru